

Маҳалла

2 (708)

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2010 йил 14 январь. Пайшанба

ISSN 2010-7013

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Кадрли Ватан ҳимоячилари – аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, Ватан ҳимоячиси деган олижаноб ишга ўзини бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг ўн саккиз йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларини барпо этиш ва миллий армиямизни шакллантириш борасида ўзининг моҳияти ва кўламига кўра том маънода улкан ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва келиб чиқётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узок муддатли дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Ушбу дастурга мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг бўлини ва қисмларини, чегара кўшинларини, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона кудратли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди.

Қуролли Кучларимиз ва уларнинг асосий жанговар бўлинималарининг принципиал жиҳатдан мутлақо янги ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди, бошқарув ва тузилмаларнинг бир-бирини такоррайдиган, кам самарали бўғинлари тугатилди. Бу ўз навбатида мазкур бошқарув ва тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, тезкорлиги ва жанговар қобилиятини ошириш имконини берди.

Мамлакатимиз ҳудудига суқилиб қирадиган ҳар қандай тажовузор босқинчиға қарши қатъий зарба беришга қодир бўлган Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси бўлинималари ва бошқа замонавий жанговар бўлинималар ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини кучайтириш давом эттирилмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, муддатли ҳарбий хизматга қақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, кўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик-қақирув резерв хизматининг жорий этилгани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни принципиал жиҳатдан тубдан ўзгартирди.

Шу йиллар мобайнида ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, кўшинларни замонавий қурол-яроғ турлари билан қуроллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, пул таъминотини ошириш, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахсларни рағбатлантиришга қаратилган аниқ мақсадли, комплекс дастурларнинг изчил ижро этилиши ҳарбий хизматчилар ва уларни оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини сезиларли равишда яхшилаш имконини берди.

Шу давр ичида амалга оширилган ишларни баҳолар эканмиз, бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавф-

сизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Шу билан бирга, минтақамиз ва бутун жаҳондаги мураккаб, тез ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазият, биринчи навбатда, Афғонистондаги тобора кескинлашиб бораётган аҳвол билан боғлиқ тарзда хавфсизликка қарши реал ва эҳтимол тугилаётган хавф-хатарларнинг кучайиб, нарқоагрессия, халқаро терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидларнинг микёси кенгайиб бораётгани Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, давлат чегараларимизни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш чораларини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Қуролли Кучларимиз олдиға кўйилган вазифаларни амалга ошириш масаласи биздан Ватанимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш бўлган боғлиқ бўлган ва тобора кучайиб бораётган ана шундай талабларни ҳисобга олган ҳолда, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган стратегия ҳамда устувор йўналишларни бажариш юзасидан бошлаган ишларимизни янада чуқурлаштиришни тақозо этади.

Шу мақсадда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман:

Биринчи. Қуролли Кучларимиз қисмларининг сафарбарликка доимий равишда тайёрлиги ва ҳаракатчанлигини, уларнинг юз бериши мумкин бўлган турли таҳдид ва хавф-хатарларни, чегараларимиз дахлсизлиги, фуқароларимизнинг тинч-осойишта меҳнати ва ҳаётини бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз уришларни ўз вақтида ва самарали бартараф этиш қобилиятини таъминлаш даркор.

Иккинчи. Қуролли Кучларимизнинг қисм ва бўлинималарини энг янги қурол-яроғ ва жанговар техника билан қайта жиҳозлаш, замонавий воситалар билан таъминлаш бўйича қўйилган вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан хорижий ҳамкор давлатлар билан халқаро ҳарбий-техник ҳамкорликни янги поғонаға кўтариш ва кўламини кенгайтириш, 2010-2015 йилларға мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш зарур.

Кўшинларнинг взвод-батальондан тортиб ҳарбий округларғача бўлган юксак даражадаги жанговар қобилиятини таъминлашға қаратилган ўқув-жанговар тайёргарлик ишларини тубдан яхшилашға алоҳида эътибор қаратиш зарур. Жанговар операцияларни амалга оширишнинг тактикаси ва усуллари мунтазам равишда ўзгариб, энг янги қурол-яроғ ва ҳарбий техника тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги шароитда шахсий таркибининг индивидуал ва гуруҳ шаклидаги жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий малакани эгаллаши бўйича принципиал жиҳатдан янги дастурларни жадал ишлаб чиқиш ва жорий этишни, қўмондонлик-штаб ва тезкор-тактик ўқув машқлари ўтказишни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Ҳарбий санъатни ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш – бугунги кунда бу талаб армиямизни модернизация қилиш борасидаги барча ишларимизнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Қуролли Кучлари мустақиллигимизнинг муҳим кафолати, озод ва обод Ватанимизни мустаҳкам ҳимоя қилишга қодир ишончли қалқондир. Шу кунларда мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 18 йиллиги кенг нишонланмоқда.

“Туркистон” саройида 13 январь куни ушбу байрамға бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерға аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Армияни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида Қуролли Кучларни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди, мамлакатимизнинг ягона мақсад ва вазифалар негизида узвий боғланган ишончли мудофаа комплекси вужудға келди.



ВАТАНИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Ушбу фармонға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматға йиллиға бир марта – февраль-март ойларида қақириб белгиланди. Муддатли ҳарбий хизматдаги сафарбарлик-қақирув резервидаги ёшларни ҳар томонлама камол топтиришға, уларда она юртининг ишончли ҳимоячиси бўлиш учун ҳаммиша шай туришға асосланган характерни, дунёқарашни шакл-

лантиришға йўналтирилган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш кўзда тутилган.

Замонавий ўқув базаси билан таъминланган сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртлари ҳарбий тайёргарликни илгор илм-фан ва техника ютуқларига асосланган ҳолда олиб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини ошириш, маънавиятини янада юксалтиришға хизмат қилмоқда.

Ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги ишлар кўла-

ми тобора кенгаймоқда. Жумладан, ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг турмуш шароитини яхшилашға қаратилган алоҳида имтиёзлар жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 11 январда қабул қилинган фармонига мувофиқ Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларға Ватанимизнинг ана шу юксак муқофотлари топширилди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида аёнана тусини олган уч босқичли танловға асосан, 2009 йилдаги энг илгор бригада, батальон, взвод, гуруҳ командири ва энг илгор сер-

жант аниқланди. Тадбирда ана шу танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг илгор ҳарбий қисм, сержантлар тайёрлаш мактаби ва олий ҳарбий билим юрти ҳам муқофотланди.

Йиғилишда сўзға чиққан катта лейтенант Мурод Қосимов, кичик сержант Шавкат Чориев, ҳарбий хизматчи онаси Муқаддас Раҳматуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов давлатимиз раҳбарига ҳарбий хизматчиларға кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Озод РАҲАБОВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУҚОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими”

Ходжақбаров Омониллахов Тўлқунович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойийлик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасурати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бораси-

даги катта хизматлари учун қуйидагилар муқофотлансин:

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Абдухалимов Саҳиб Сабинович — Давлат божхона кўмитаси Фарғона вилояти божхона бошқармасининг бошлиғи

Мансуров Толиб Хуршетович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғининг ўринбосари

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Акбаржанов Шухрат Абдурах-

манович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Ахмедов Абдуғапур Туйчибаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Оккузиев Ёрбобо Ядгарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Уктамов Рустам Хуснидович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хамидов Бахтиёржон Усмонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командири

(Давоми 2-саҳифада)

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Учинчи. Ҳарбий бошқарув тизimini такомиллаштириш, эҳтимол тутилган жанговар ҳаракатлар майдонининг ўзига хос шароитида бутун мудофаа тизимида барча қўшин турларига қарашли қисм ва бўлинмалар, вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмалари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, уларнинг аниқ ва бир ёқадан бош қилиб ҳаракат қилишини таъминлаш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Армиямизнинг давлат чегараларимизни ишончли қўриқлашга қодир бўлган, мамлакат мудофаа тизимидаги заиф нуқталарни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг бартараф этилишини таъминлайдиган, ҳар томонлама пухта ташкил этилган механизм, бир сўз билан айтганда, барча таркибий қисмлари ўзаро узвий боғланган ягона жанговар комплекс сифатида тўлақонли фаолият юритишига эришиш гоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Тўртинчи. Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, интеллектуал жиҳатдан етуқ, стратегик фикрлай оладиган офицер кадрлар, шунингдек, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқаришга, уларда соғлом ахлоқий-руҳий вазиятни сақлашга қодир профессионал сержантларни тайёрлайдиган ҳарбий билим юрталари ва сержантлар мактаблари фаолиятини замон талаблари ва стандартла-

рини эътиборга олган ҳолда тубдан яхшилаш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Қурол-яроғ ва техниканинг замонавий турлари, қўшинларни бошқариш методлари, жанговар операцияларни амалга оширишнинг тактик усуллари, жанговар тайёргарлик ва тарбиявий ишлар дастурларини тажриба ва синовдан ўтказишда асосий база вазифасини бажарадиган ҳарбий билим юрталари Қуролли Кучларимизнинг етакчи, бош ҳарбий-илмий марказларига айланиши даркор.

Шу мақсадда ҳарбий таълим муассасаларини зарур ҳарбий техника ва тренажёрлар билан жиҳозлашга, ўқув жараёнида замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан, моделлаштириш ва симуляция усулларида фойдаланиш масалаларига ўта жиддий эътибор қаратиш зарур.

Бешинчи. Юртимизда 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши армиямизнинг ўзига ташкил этадиган ёш офицерлар, сержантлар ва аскарлар ўртасида тарбиявий ишлар тизimini такомиллаштириш бўйича мамлакатимиз Қуролли Кучларининг кўмондонлик ва бошқариш таркиби зиммасига янги, янада масъулиятли вазифалар юклайди.

Шу муносабат билан аскар, сержант ва офицерлар таркибининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини изчил ва тизимли равишда яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни ўй-жой билан таъминлаш, ҳарбий

шаҳарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш, уларда энг замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган барча қўлайликларни яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурларининг тўлиқ бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Қуролли Кучларимизнинг олдида қўйилган вазифаларни амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, Бирлашган штаб, бутун кўмондонлик таркибидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Кўмондонининг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 18 йиллиги муносабати билан қабул қилинган Директивасида белгилаб берилган қоида ва кўрсатмаларни сўзсиз бажариши талаб қилади.

Азиз дўстлар!

Бугунги кутлуг байрам кунинда Қуролли Кучларимиз сафларида хизматни муносиб тарзда ўтаётган ва захирадаги ҳарбийларга, барча Ватан ҳимоячиларига мурожаат қилар эканман, армиямиз Ватанимизнинг муқаддас сарҳадлари, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, мусаффо осмонимизнинг ишончли ҳимоясини таъминлашга қодир, деб қатъий ишонч билдираман.

Сизларни яна бир бор Ватан ҳимоячилари кунини билан чин қалбимдан табриқлайман!

Барчангизга сўхат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош
Кўмондони

ЭЛ-ЮРТГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент шаҳрида барпо этилган “Ватанга қасамёд” ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди

12 январь кунини давлатимиз раҳбари гоёси ва ташаббусига асосан бунёд этилган “Ватанга қасамёд” ҳайкалининг тантанали очилишига бағишланган маросим бўлди. Маросимни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси янгради.


Давлатимиз раҳбари “Ватанга қасамёд” монументини очди ва унинг пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маросимда нутқ сўзлади.

Қасамёд — шунчаки расмий тадбир эмас, ҳар бир инсон ҳаётидаги унутилмас воқеадир. Шу боис ушбу мажмуа Президентимиз Ислом Каримов таклифига биноан “Ватанга қасамёд” деб номланди.

Ям-яшил боғ марказида қад ростлаган ушбу бетакрор бадиий мажмуа Ватанга садоқат, халқимизнинг фидойий ўғлонларининг мардлиги ва жасоратининг ёрқин тимсолига айланади.

Тадбирда сўзга чиққан курсант Лазиз Акбаров, ҳарбий хизматчи онаси Наргиза Мавлонова, сержант Абдор Мамарасулов, катта лейтенант Низомиддин Сайфиддин Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш, уни замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлаш, ҳарбийларнинг профессионал малакасини ва маҳоратини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бора-



Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар номида “Ватанга қасамёд” монументи пойига гуллар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

«Дўстлик» ордени билан

Азимов Абдуваҳид Ваҳабжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг бўлим бошлиғи

Груздев Андрей Леонидович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўшинлари маркази гуруҳи бошлиғи

Ли Олег Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги авиация-техника лабораториясининг катта муҳандиси

«Жасорат» медали билан

Абдуқадиоров Суннатилла Алдабергенович — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

Абдуллаев Анваржон Адхамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари секциясининг мутахассиси

Абдурахмонов Азиз Абдуразақович — Давлат божхона кўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг бўлим бошлиғи

Абдурахмонов Санжар Бахтиёрлович — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Адилов Зафар Закирович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Аслидинов Фирдавс Юсуфджанович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Атаджанов Шерзод Атаназарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ахтамов Одил Иброгимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари дивизиони командири

Ачилов Давронбек Аҳмедович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳининг командири

Бобоев Фахриддин Эргашович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари йуриқчиси

Воробьев Павел Вячеславович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ибрагимов Закир Талипович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Ибрагимов Иномжон Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командири

Исламов Ағзамжон Аҳмадович — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Ишқуватов Нуриддин Юлдашев — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Казаков Юнусали Турдалиевич — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳи командири

Келдияров Дилшод Ризақуллович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Киличев Зокиржон Мурадovich — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Кулимуратов Баҳром Усарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг взвод командири

Курганов Косим Курбанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Малютин Егор Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Махматулов Шухрат Ароқуллович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Махмудов Неъматжон Солижонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг взвод командири

Мирзамоидинов Шухратилла Кадирбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Очилов Жамол Абраевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари секциясининг мутахассиси

Очилов Нарзулла Тухташев — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳининг йуриқчиси

Рахимов Акмал Ибодуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рахимов Хусниддин Хамитович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми батальон командири

Раҳмонов Абдураҳул Абдулҳаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара

қўшинлари чегара постининг мутахассиси

Сайдахметов Даниёрбек Раҳманбекович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

Суванов Баҳромжон Хурсанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Турдалиев Фуркатжон Хошимжонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взвод командири

Умаралиев Муҳаммадали Махмуталиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хакимов Жамшид Исмаилович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хасанов Тўймурод Севарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взводининг мутахассиси

Хатамов Рустам Набижанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хожиев Мансур Толибович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми хизмат бошлиғи

Чориев Шавкат Умарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳининг мутахассиси

Чоршабиёв Гуломжон Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шамуратов Шараҳим Анаршаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эргашев Ихтиёр Кузиевич — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Эшонқулов Азиз Алиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эшмуродов Зоҳид Махмудович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳининг командири

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Абдурахмонов Муҳаммади Джумаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳининг мутахассиси

Артиков Жасур Мухаммедович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқармасининг бошлиғи

Астанов Нодир Чориевич — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Джалилов Шерзод Қудратуллаевич — Ўзбекистон Республикаси

Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми батареяси командири

Жураев Гайрат Нурмаматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Исмаилов Бахтияр Ешбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командири

Каримов Обиджон Давлатович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳи командири

Каюмов Жасур Хабибуллаевич — Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти кафедра бошлиғининг ўринбосари

Кобилов Анавар Муртазавич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳи командири

Косимов Мурод Хидирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳи командири

Кудратов Собиржон Ризақуллович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳи командири

Кудратов Хамидулла Насимович — Тошкент ҳарбий округи ҳарбий судининг раиси

Қўшмурадов Раҳман Худойназарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг командири

Мамарасулов Фарҳоджон Мамаюсович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари катерининг командири

Махмудов Икромжон Абдумуталибович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командири

Мирзаев Акмалжон Анарбекович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Отажонов Одилжон Раҳимжанович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Раҳматов Гани Валиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рузибаев Абдулла Бекбергенович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

Рустамов Илхом Исмаилович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Сотқинов Таваккалжон Расулович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳи командири

Султанов Мир-Зафар Умаралиевич — Ўзбекистон Республикаси

Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми батареяси командири

Султонов Музаффар Мубашер-хоневич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми батареяси командири

Ташпулатов Камол Саиднабиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Уралов Шерали Журабоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳининг мутахассиси

Худайбергенов Гайрат Камилевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хужақуллов Раҳманкул Аллақуллович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Хусенов Бахтиёр Мухитдинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взводининг мутахассиси

Юлдашев Баходир Махмудович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми пилотининг бошлиғи

Юсупов Бахтияр Акбархаджаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ярматов Махмуд Исмоилович — Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурори

«Шухрат» медали билан

Абдимурадов Манас Кушмуратович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взводининг мутахассиси

Абдурахмонов Уткирбек Гуломжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми хизмати мутахассиси

Аҳмедов Рафиқжон Абдуразақович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳининг мутахассиси

Ашуров Ниёз Илхомович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳининг мутахассиси

Бағалиев Уктам Атамуродович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳи командири

Боймурадов Хамдам Хамидович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взводининг мутахассиси

Глазков Виктор Вениамнович — Ўзбекистон Республикаси Қурол

ли Кучлари Академиясининг ўқитувчиси

Ғозиев Дилмурод Нормуродович — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Камилов Абдуманнаб Абсаматович — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси уста-қутқарувчиси

Мустанов Тошканбой Улмасович — Ҳарбий-қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейининг математика ўқитувчиси

Отамуродов Баходир Мейлиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳининг мутахассиси

Раҳматов Темура Тельманович — Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округ ҳарбий судининг раиси

Рузметова Озада Рузметовна — Ҳарбий-юридик йўналишидаги Урганч академик лицейининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Сафоев Юсупбай Хужабайевич — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

Талипов Исматилла Суннатович — Давлат божхона кўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг катта тезкор вакили

Тангибердиев Искендер Умарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг мутахассиси

Тошматов Одилжон Алмуразаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взводининг мутахассиси

Холмуродов Фарҳоджон Кучкарович — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

Эгамбердиев Азизбек Шарофиддинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Юнусов Анавар Шавкатович — Жиззах вилояти мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Техник ва амалий спорт турлари марказининг ёзги биатлон бўйича тренери

Юсупов Бахтияр Нуратдинович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Юсупова Нафиса Зикриллаевна — Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти чет тиллар кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2010 йил 11 январь

И.КАРИМОВ

МАРД ВА ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР ШАРАФЛАНАДИ

Ватанни кўз қорачигидек асраш, унинг равнаки, тинчлиги ва хавфсизлиги йўлида бел боғлаб хизмат қилиш ҳар бир ор-номусли йигитнинг шарафли бурчидир. Қадим-қадимдан ота-боболаримиз ёшларга оила ва юрт дахлсизлигини сақлаш йигит кишининг муҳим вазифаларидан бири эканлигини ўқитиб, она-Ватанга муҳаббат, ўз халқига садоқат туйғуларини шакллантиришга интилишган. Зеро, ўғлонлари ботир, ориятли, илмли ва мард бўлган юрт ҳеч қачон ўзгаларга қарам бўлмайди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аскар ва зобитларнинг Ватанимиз сарҳадларини химоя қилишлари, ҳарбий маҳоратларини ошириб боришлари учун барча имконият ва шароитлар яратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида муҳаббатли хизматини ўташ шарт-шароитларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 январдаги «Фуқароларнинг муҳаббатли хизматига йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервиге бўшатишдан ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил этиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори фуқароларни муҳаббатли хизматга чақириш ва хизматни ўтаб бўлганларни яшаш жойларига қайтаришни самарали ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу Фармон ва Қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жамғармининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари 2009 йилда фуқаролар йиғинлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда ёшларни ҳарбий

хизматга тантанали кузатиш ва ҳарбий хизматни ўтаб қайтган аскарларни кутиб олиш бўйича тўрт мингдан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги барча фуқаролар йиғинларида ёшлар, ота-оналар ўртасида Ватан химоясининг аҳамияти тўғрисида маърифий-маданий тадбирлар уюштирилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Ҳарбий хизматга қақуриб ўшида бўлган ўсмирлар ўртасида «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам», «Армия менинг тақдиримда», «Армия менинг фахрим ва таянчим», «Мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда Қуроли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди. Эътиборлиси, мазкур тадбирларда ёшлар ўз тақлифлари билан фаол иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда жамғармининг ҳудудий бўлимлари томонидан «Тинчлик ва осойишталик учун курашиш керак», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» мавзуларида тадбирлар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш мақсадида Мудофаа вазирлигининг жойлардаги масъул ходимлари билан биргаликда маҳаллаларда 23 мингга яқин тарғибот-ташвиқот ишлари ва учрашувлар ўтказилди. Маҳалла фуқаролар йиғинларида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ҳаётини акс эттирувчи 2500 тадан ортиқ кўргазмалар бурчаклар ташкил этилди.

Таъкидлаш кераки, бугунги кунда ҳарбий қисмларда намунали хизмат ўтаётган аскарларнинг ота-оналарига, улар истиқомат қилаётган маҳаллага, аскар ўқиган мактаб ва ишлаган меҳнат жамоасига миннатдорчилик хатлари юборилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташаббуси билан ҳарбий қисмларда ота-оналар, жамоат ташкилотлари, фахрийлар билан аскарларнинг учрашувлари, суҳбатлари уюштирилмоқда. Бу муҳаббатли ҳарбий хиз-



Маҳалла ахли ҳарбий қисмда

матни ўтаётган аскарларимизнинг руҳини кўтариб, хизмат бурчини сидқидилдан бажариш омилларидан бири бўлаётир.

Чақириқча бўлган ёшлар орасида ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш юзасидан жойларда 1000 дан ортиқ учрашув, давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда 153 мингдан зиёд ёш, уларнинг ота-оналари қатнашди. Фуқароларнинг қақуриб пунктларига ўз вақтида етиб боришлари таъминланди. Бўлажак аскарларга жамғарма бўлимлари ва бўлинмалари томонидан совғалар топширилди.

Шунингдек, «Маҳалла» жамғармаси ва Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида анъанавий тарзда «Ибратли сержант», «Ибратли гуруҳ командири», «Ибратли взвод командири» ҳамда «Ибратли батальон командири» номинациялари бўйича ўз касбий маҳорати билан ўрнак бўлаётган ҳарбий хизматчилар ўртасида кўрик-танловлар ўтказиб келинаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Фолиблар жамғармининг эсдалик совғалари билан рағбатлантирилиб келинмоқда. Бундан ташқари, маҳаллаларда ўтказилаётган «Аскар маҳаллага келди», «Аскар маҳалла меҳмони» мавзуларидаги тадбирлар ёшларнинг муҳаббатли ҳарбий хизматга

бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

Қуроли Кучлар сафидан резервга бўшатишдан аскарларни шиб билан таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Ҳокимликлар, меҳнат бандлигига кўмаклашувчи марказлар билан биргаликда биргина Тошкент вилоятида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 2536 нафар ёшдан 1780 нафари турли корхона, муассаса ва ташкилотларга доимий ишга жойлаштирилган. 238 нафари турли касб йўналишидаги ўқув юртиларига ўқишга қабул қилинган. 518 нафари яшаш манзиллари ва шароитлари ҳисобга олинган ҳолда мавсумий иш билан таъминлаш чоралари қўрилган.

Бугунги кунда Қуроли Кучларимиз сафида Ватанимиз дахлсизлигини, халқимиз осойишталигини таъминлашни ўзининг ор-номуси, бурчи деб билган мард ва жасур ўғлонлар хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, улар учун жойларда барча зарур шарт-шароитлар яратилаётир. Бу юрт тинчлигининг мустаҳкам қалқони бўлишда ҳарбийларимизни янада шижоатга ва фидойиликка ундаётир.

Анвар АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси.

ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ ЯКУНЛАНДИ

12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11- ва 48-моддаларига мувофиқ, мажлисда 39 та сайлов округида ўтказилган такрорий овоз бериш яқунларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат парламенти Қонунчилик палатасига сайлов яқунлари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган округ сайлов комиссияларининг такрорий овоз бериш яқунлари ҳақидаги баённомалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 39 нафар депутати рўйхатга олинди. Шу тарихда 135 та сайлов округининг барчасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови яқунланди.

Марказий сайлов комиссиясининг такрорий овоз бериш жараёнида сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 39 депутатини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинади.

Шу куни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон парламенти Қонунчилик палатасига сайлов яқунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов брифингдаги нутқида сайлов миллий сайлов қонунчилиги талабларига, унда мустаҳкамлаб қўйилган очкилик, ошқоралик ва мубокилик каби демократик тамойилларга тўлиқ мос ҳолда ўтказилганини таъкидлади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик қириш ва уни ўтказиш бўйича Концепцияда кўзда тутилган ташкилий-ҳуқуқий тадбирларнинг изчил амалга оширилгани муҳим аҳамият касб этди. Қонун ҳужжатларида ҳамда Концепцияда белгиланган норма ва қондалар барча учун мажбурийлиги ва бир хиллиги борасидаги талабга сайлов кампанияси даврида тўлиқ риоя қилинди.

Миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ, сиёсий партияларга ва улар кўрсатган депутатликка номзодларга сайлов кампаниясини ўтказишда, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда, сайловолди дастурларининг мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказишда, сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилди. Бир депутатлик мандати учун 99 та сайлов округида 4 нафардан, 36 та сайлов округида 3 нафардан номзод кураш олиб борди. Мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатига 17 миллион 215 минг 700 нафар сайловчиларнинг фамилияси қiritилиб, овоз беришда 15 миллион 108 мингдан ортиқ киши ёки сайловчиларнинг 87,8 фоизи қатнашди.

2009 йил 27 декабрда ўтказилган овоз бериш яқунларига кўра, 96 та сайлов округида парламент қўйи палатасига депутатлар сайланди. Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, сайлов куни Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди.

Сиёсий партиялар ва улар кўрсатган депутатликка номзодлар ўртасидаги кучли рақобат натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 39 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур миқдорда овозлар тўплай олмади. Шу сабабли, 2009 йил 30 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси томонидан мазкур сайлов округларида 2010 йил 10 январда такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сайлов қонунчилигига биноан, такрорий овоз бериш 39 та сайлов округининг ҳар бирида асосий сайловда сайловчиларнинг энг кўп овозини олган икки нафар депутатликка номзод бўйича ўтказилди. Ушбу округларда сайловчилар рўйхатига фамилиялари қiritилган 4 миллион 969 минг 547 сайловчиларнинг 3 миллион 960 минг



нафари ёки 79,7 фоизи такрорий овоз беришда қатнашди.

Такрорий овоз бериш ҳам очик ва ошқора, миллий сайлов қонунчилигининг барча нормаларига риоя қилинган ҳолда, умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос тарзда ўтказилди. Тегишли сайлов округларида депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотини ўтказиш ва шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Такрорий овоз беришда сиёсий партияларнинг 8260 нафар кузатувчиси ва ваколатли вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси брифинг иштирокчиларига қуйидагилар ҳақида маълумот берди: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови яқунларига кўра 150 депутат сайланди. Шу жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 53 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 32 нафар, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 31 нафар, Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясидан 19 нафар депутат сайланди.

15 нафар депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакиллари. Сайланган 150 депутатнинг 33 нафари ёки 22 фоизи хотин-қизлардир.

Сайланган депутатларнинг 47 нафари ёки 31,3 фоизи илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу сайланган депутатларнинг ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлганлигидан далолат бериши билан бирга, профессионал парламент фаолиятида уларнинг ҳаётини ва қонун ижодкорлиги борасидаги амалий тажрибасидан янада самарали фойдаланиш имкониятини ҳам беради. Парламент қўйи палатаси таркибиде жамиятнинг деярли барча қатламлари вакиллари бор.

Сайлов жараёнининг очик ва ошқоралигиде оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этди. Сайлов жараёнида 500 дан ортиқ мамлакатимиз ва 200 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари ёритиб борди.

Дунёнинг 36 та мамлакатини ва тўртта халқаро ташкилотдан, хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом Конференцияси Ташкилоти миссияларининг 270 дан зиёд кузатувчилари, шунингдек, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг 60 мингдан ортиқ кузатувчилари ва ваколатли вакиллари сайловни мониторинг қилиб борди.

Сайловни демократик принциплар асосида ўтказиш, ушбу жараёнда қонун ҳужжатларига амал қилинишини таъминлаш округ ва участка сайлов комиссияларининг қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик, мустақиллик ва адолат тамойиллари асосида ушқоқлик билан фаолият кўрсатиши орқали таъминланди.

Брифингда таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссиясига сайлов яқунларига таъсир қилиши мумкин бўлган сайлов тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги юзасидан маълумот ва мурожаатлар тушмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон фуқаролари танланган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлини қўллаб-қувватлашни яна бир бор намоеён этди.

(ЎЗА)

ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ — ҲАЁТГА РАҒБАТ



Она ва фарзанд қувончи

Бугун юртимизда яна бир қутлуф байрам — Ватан химоячилари куни кенг нишонланмоқда. Зеро, Ватан сарҳадларини қўриқлаш ўзини шу юртининг фарзанди, деб билган ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчидир. Айниқса, Истиклолга эришганимиздан сўнг аскарлик юртимизда шарафли касблардан бирига айланди.

Истибод даврида ўзбекининг Ал-помидишқ пахлавон, мард ва жасур ўғлонларига ишонсизлик билан қаралар, уларнинг кўпчилиги, асосан, қурилиш батальонларига жалб этилди. Зобитлар орасида миллатдошларимиз бармоқ билан санокли эди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз, Қуроли Кучларимиз Олий Бош қўмондонни Ислон Каримов раҳбарлигида ҳақиқий миллий армиямиз ташкил топди ва шаклланди. Ўртимизда етук зобитлар тайёрлайдиган қўлаб ҳарбий билим юрлари очилди. Бугун бу ўқув даргоҳларида минглаб фарзандларимиз замонавий ҳарбий билимларни эгаллашмоқда.

Кейинги йилларда аскар бўлиш-

ни хоҳловчи йигитлар сони кескин ошди. Шунинг учун бугун ҳарбий хизматга энг иродали ва мард йигитлар саралаб олинмоқда. Зотан, ҳарбий қисмларда аскарларнинг муносиб хизмат қилиши, ҳарбий билимларни мукамал ўрганиши учун барча шароитлар яратилган. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафиде муҳаббатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан, ҳарбий хизматни аёло даражада ўтаган аскарларга қатор имтиёзлар берилиши белгилаб қўйилган. Масалан, аскар ҳарбий қисмда йигитлик бурчини аёло ўтаб, қўмондонликдан тегишли тавсиянома олса, у олий ўқув юртига ўқишга киришда тегишли тавсияномада тўпладиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорда қўшимча баллга эга бўлади. Бугун қўлаб ёшларимиз шу имтиёздан фойдаланиб, талаба бўлишди.

Аслиддин Бозоров Самарқанд

вилояти Пахтачи тумани маркази Зиёвуддин шаҳарчасининг Мирзо Улугбек номидаги маҳалласида воёга етган. Мақтабини битиргач, олий ўқув юртига ҳужжат топширди, аммо етарли тест баллари тўпловмагани учун ўқишга кира олмади. Кейин ҳарбий хизматга жўнади. Пойтахтдаги ҳарбий қисмлардан бирида йигитлик бурчини ўтади. Командирлар топширигини ўз вақтида бажарди. Ҳарбий-сиёсий тайёргарлик ишларида сафдошларига намуна бўлди. Энг асосийси, етук Ватан химоячиси эканлигини намоеён қила олди. Шунинг учун у хизматдан қайтаётганда қўмондонликнинг тегишли тавсияномасига сазовар бўлди. Бугун у Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг талабаси.

— Ҳеч бир йигит тавсиянома олиш учун ҳарбий хизматга бормайди, албатта. Лекин ҳарбий қисмда қилган хизматларинг тақдирланиб, келгуси ҳаётингда из қолдирадиган рағбатга лойиқ тоғилса, қувонинг табиий. Мен ҳам ҳарбий қисм раҳбарларидан ижобий тавсиянома олганимда жуда хурсанд бўлдим. Тавсиянома ўқишга киришмига ёрдам берди. Бунинг учун шундай имтиёзни яратиб берган Юртбошимизга, ҳукуватимизга миннатдорчилик билдираман. Демокриманики, юртимизда қилинган меҳнат, албатта, қадр топади, — дейди Аслиддин Бозоров.

Қайд этиш жоизки, бугун бу имтиёздан фойдаланиб юзлаб собиқ аскарлар талаба бўлишди. Аскарликда чиниққан йигитлар ўқишда ҳам бошқаларга намуна бўлмоқда.

Юртимизда Ватан химоячилари куни бугун нишонланаётган бўлса-да, ушбу санага бағишланган тадбирлар бошланганига анча бўлди. Ҳарбий қисмларда, ҳарбий ўқув юртиларида уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳаллалар оксоқоллари билан учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтмоқда. Бу ишга жойлардаги ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари билан бирга, маҳаллалар ҳам бош-қош. «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимидан олинган маълумотларга қараганда, байрам арафасида бир нечта ҳарбий қис-

мда учрашувлар, байрам тантаналари бўлиб ўтди. Бу тадбирларда қатнашганлар мамлакатимизда ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислохотлар юртимиз тинчлигини сақлашда муҳим омил бўлаётганини, йилдан-йилга Ватанимизнинг ҳарбий қудрати мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Аскарларга байрам дастурхони ёзилиб, совғалар берилди. Жамғармининг биргина Тошкент шаҳар бўлими томонидан мард ва жасур аскарларга 2 миллион сўмлик совғалар топширилди.

— Маҳаллалар ва ҳарбий қисмлар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Яққасарой туман бўлимиси раиси С.Саидзамин. — Йигитларни аскарликка кузатиш ва кутиб олиш тадбирлари ҳам, асосан, маҳаллаларда ўтмоқда. Ватан химоячилари куни муносабати билан туманимиз ҳудудидеги ҳарбий қисмда учрашув ўтказдик. Унда қатнашган маҳалламиз оксоқоллари, собиқ аскарлар ҳарбий хизматчиларга шўролар даврида ҳарбий хизматни ўтаган юртиларга, жуда оғир шароитларда ўташгани, бугунги дорилонмо кўнларнинг қадрига етишни уқдиришди. Бундан ташқари, туманимиз маҳаллаларида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши, афгон уруши, Чернобыль фожияси қатнашчиларига байрам дастурхони ташкил этдик.

Бўлима раисининг таъкидлашича, туман маҳаллаларида истиқомат қилаётган истефодаги ҳарбийлар, ИИБ ходимлари, шунингдек, Ватан химояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбийлар оиласидан хабар олингани хайрли ишлардан бўлди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ватан химоячилари кўнига бағишланган бундай тадбирлар юртимизнинг барча қишлоқ фуқаролар йиғинларида, маҳаллаларида, гузарларида бўлиб ўтаётир. Учрашувлар, тўкин дастурхон устидеги қизгин суҳбатларда юрт посбонлари, Ватан химоячилари шарафланди, уларнинг она-Ватан тинчлиги йўлидаги масъулиятли хизматларида зафар ёр бўлиши тиланди.

Б. УММАТОВ

НАМУНАЛИ УЙ БОШЛИКЛАРИ

ФАОЛЛАРНИ РАФБАТЛАНТИРИШ

МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ «СИРИ»ГА АЙЛАНГАН



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Хумоюн» маҳалласи аҳли ҳудуддаги мавжуд 33 та кўпқаватли уйларда истиқомат қилади. Ҳар бир иморатда 35 тадан 72 тагача хонадон жойлашган. Ушбу масканларда тозалик ва озодликни, тинчлик-хотиржамликни сақлашда фуқаролар йиғини мутаассадилари ҳам масъулдир. Уларнинг ташаббуси билан кўпқаватли тураржойларнинг барчасида уй бошлиқлари сайланган.

Ховлини уйлар жойлашган маҳалларда кўчабошилар, кўпқаватли уйларда уйбоши ва йўлакбошилар сайланади. Уларнинг вазифалари деярли бир хил: тинчлик-осойишталикни сақлаш, орасталикни, фуқароларнинг давлат бошқаруви ҳамда юртимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш, коммунал тўловлар, турли солиқлардан қарздорликни камайтириш. Шу маънода, «Хумоюн» маҳалласидаги уй бошлиқларнинг фаолиятидан иборат оқс оқсиди. Бир неча йил бурун кўпқаватли ташаббуси уй бошлиқларнинг фаолиятидан иборат оқс оқсиди. Бир неча йил бурун кўпқаватли ташаббуси уй бошлиқларнинг фаолиятидан иборат оқс оқсиди. Бир неча йил бурун кўпқаватли ташаббуси уй бошлиқларнинг фаолиятидан иборат оқс оқсиди.

Маҳалла оқсоқоли Зикрилло Эрматовнинг айтишича, бундай натижага ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Уй ва йўлак бошлиқлари дастлаб ишни орасталикдан бошлашди. Йўлакларга навбатчилар тайинланди, ҳар кун сулуриш, ҳафтада бир бор йўлакларни ювиш қатъий белгиланди. Кейинчалик мутасаддилар эътиборни уйларнинг атрофини кўкаламзорлаштириш, манзарали дарахлар экишга қаратишди. «Хумоюн коммунал сервис» компанияси билан уйбошилар ўртасида шартнома тузилиб, эндиликда компаниянинг моҳир уста ва сантехниклари кўпқаватли уйларнинг

томларини, иссиқлик, сув, газ, электр таъминоти тизимини мунтазам назорат қилиб туришибди.

— Маҳалламизда жами 28 нафар уй бошлиғи бор. Уч кишидан иборат назорат комиссияси улар билан ҳамкорликда ишлайди. Мободо улар ўз вазифасини ундай олма, сусткашликка йўл қўйса ёки аҳоли билан чиқиша олма, унда истиқомат қилувчилар истасан пайтда уйбошини вазифасидан озод қилиб, бошқа муқобил шахсни сайлашлари мумкин, — дейди йиғин раиси З.Эрматов. — Тизим фаолиятининг барча йўналишларига доир етарли тажриба тўплади. Энг илғор тажрибаларимиздан бири кўчабоши ва йўлакбошилар ишига оид. «Сир»ни очиш учун битта далилни айтиш: фаолларни доимо рағбатлантириб бориш лозим. «Уй бошлиқлари тўғрисидаги намунавий низоми»да фаолларни рағбатлантириб бориш шартлари ҳам келтирилган. Яъни уларни «Маҳалла» жамғармасининг маблағлари эвазига рағбатлантириш ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг қарорига биноан, ширкатга тўланадиган тўловлардан озод этиш мумкин.

Намунали хизмат қилаётганлардан бири 35-уй бошлиғи Дилором Мирзаарахимовадир. Унинг ютуғи шундаки, Дилором ҳамма фуқароларни бир мақсад йўлида бирлаштириб, ижтимоий-сиёсий тадбирларда, маҳалла бошқарувида фаол иштирок этишини таъминлаётди.

— Эришган ютуқларимиз замирида, аввало, раисимизнинг меҳнатлари ётибди. — дейди Дилором Мирзаарахимова. — Оқсоқол тизим фаолиятининг ҳар жабҳасида тажрибаларига таяниб иш тутайди.

«Энг фаол» деган ибора ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида фаолият юритаётганлар учун бериладиган юксак таърифлардан бири. Айтиш жоизки, «Хумоюн» маҳалласи фуқаролар йиғинида жон қўйдириб ишлаётган мутасаддиларнинг ҳар бири ушбу таърифга лойиқ.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Mahalla» мухбири.

ВО, АЖАБ

ЎЗ ФОЙДАСИНИ КЎЗЛАБ

Қиш фаслида аҳолининг газга бўлган эҳтиёжи ортиши, аксига олиб газ босими пасайиши табиий. Яқинда Андижон вилояти Хўжаобод туманида туман ҳокимининг фармойиши билан мавсум олдида «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси туман филиали, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ички ишлар бўлими вакилларидан иборат махсус гуруҳлар тузилган эди. Бу гуруҳлар томонидан аҳоли яшаш жойларида, корхона ва ташиқлотларда қатор тадбирлар ўтказилди.

— Биз ишни Хўжаобод шаҳридаги ҳар йили газ этиб бормайдиган «Бешкарам», «Андижон», «Бур номидаги маҳаллалардан бошладик. Энг аввало, ана шу ҳудудлардаги кўп йиллардан бери тозаланмаган газ қувурлари махсус жиҳозлар орқали ўрибдорилган кучли ҳаво ёрдамида тозаланди. Шунга қарамай, газ босими меъёрий ҳолатга тушмади. Махсус гуруҳ томонидан ўтказилган тадбир давомида мазкур маҳаллалардаги хонадонларда ўндан ортиқ газ сўригичлари топилиб ва бу истеъ-

молчилар тармоқдан узиб қўйилиб жаримага тортилди. — дейди «Водийгазтаъминот» унитар корхонасининг Хўжаобод туман филиали бўлим бошлиғи Акмалжон Стоволдоев.

Андижон туманидаги Ербоши, Оқ ёр, Ҳакан қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги қатор маҳалла-ларда ўтказилган ана шундай тадбирларда ҳам кўпжа хонадонларда қўлбола сўригичларни ишла-тиш орқали бошқа хонадонларга сунъий равишда газ боришини камайтириш ҳолатлари аниқланган. Тумандаги барча маҳалла-ларда ўтказилган тадбирлар да-вомида тўрт юзга яқин газ сўригичлар аниқланган. Ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, сўригич-ларни ишла-тиб, газнинг тўғри тақсимланишига салбий таъсир кўрсатаётган айрим кимсаларга: инсофингиз борми, нахотки сиз-нинг фойдангиз учун бошқалар жабр кўриши адолатсизлик эканини тушунмасангиз, дейишга ҳақлимиз.

Узукбой САКСОНБОВ,
«Mahalla» мухбири.

«ТАСАВВУФ — БОРИ АХЛОҚДУР...»

Тасаввуф инсониятни руҳий-маънавий покликка даъват этувчи ғоялар силсиласи сифатида пайдо бўлиб, унинг намояндалари узок асрлардан бери инсоният ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Кўпжа олим ва адиблар, давлат ва жамоат арбоблари ўзларини тасаввуф оламига дахлдор санаган, унинг покликка даъват қилувчи ғояларини ўз илмий-баддий фаолияти, халқ турмуш тарзига татбиқ этиш йўлида сай-қўйиш этган. Инчунин, буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг Хожа Аҳмад Яссавий қабри устига муҳташам мақбара тикланганлиги, ўз фаолиятларида машҳур тарихат пешволари Сайид Амир Кулол, Сайид Умар ҳамда Сайид Барака маслаҳатларига амал қилганлиги — тарихдан яхши маълум.


Тасаввуф йўлида риёзат чеккан буюк шайхларнинг ислом дунёсидаги адади чексиз бўлиб, шулардан бир қанчаси Туронзаминада туғилиб, вояга етган. Улар яратган таълимот ва илгари сурган ахлоқий-ирфоний, маънавий-маърифий ғоялар ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шу билан бирга, барча замонларда тасаввуфни ва унинг ички тармоқлари ўлароқ тараққий этган турфа тариқатларни тирикчилик манфаатлари воситасига айлантирган сохта «тасаввуфчи»лар ҳам топилиб турган. Бу эса ўзини ҳақиқий маънода тасаввуф вакили санаган ва унинг талабларига бўйсунганини бурч билган кишилар ва тасаввуфни шахсий манфаатлар воситасига айлантирган кимсалар ўртасида ғоявий ихтилофларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Мовароуннахр заминидан вояга етган етук аллома Абу Бакр Исҳоқ Калободийнинг (вафоти 990 йил) «Ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф» («Тасаввуф йўлини таништириш») асари ана шундай ихтилофлар тасаввуфга ҳам, одатий диний урф-одат ва амалларга ҳам хатар солган бир шароитда яратилган ва асар муаллифининг диний-тасаввуфий бағрикенглик ғоялари тарғиб этилган фикрлари мазкур масалага оид кўпжа муаммоларга оидлик киритишга хизмат қилган эди. Имомлар хоҳаси, буюк фақиҳ Абу Иброҳим Мустамий Бухорийнинг (вафоти 1043 йил) «Ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф» («Тасаввуф йўлини таништиришнинг шарҳи») номи билан шарҳлашдан кўзланган мақсади ҳам халқни тасаввуф асроридан воқиф этиш, турли ақида ва хурофотларга чек қўйиш, шариат ва тариқат ўртасида пайдо бўлган сунъий ғояларни йўққа чиқариш эди.

Буюк мутакаллим, «ақидани тузатувчи» унвони билан машҳур бўлган Абу Мансур Мотуридийнинг «Китоби таъхид» асари ҳам, аслида, ана шу жабҳадаги ихтилофларга чек қўйиш зарурати тўғрисида яратилган. Халқни ўз замонасида авж олган бидъат-хурофотлардан халос этиш бу улғур зотнинг ҳам эзгу орзуси эди.

Кейинчалик бу масалаларга нафақат шариат ва тариқатнинг назарий масалалари билан шуғулланган олимлар, балки маълум тариқат сардори ёхуд вакили сифатида фаолият юритган шайх-шоирлар ҳам муражат қиладиган бўлди. Зеро, улар ақидапарастлик, хурофий қарашлар тўғрисида шариат ҳам, тариқат ҳам зарар кўришини яхши билган. Шу боис катта-кичик асарларда олим ва омиш бўлиш, риё ва таъмадан йироқ туриш каби муҳим ижтимоий-маърифий масалаларга дахл қилишган. Фариддин Атторнинг «Мантик ут-тайр», «Илоҳийнома», «Асрорнома» манзу-маларида, Жалолиддин Румийнинг олти китобдан иборат машҳур «Маснавийи маънавий»сида ҳам мазҳаблараро ихтилофлар масаласига такрор-такрор эътибор қаратилган, бидъат ва хурофот жамиятга ҳам, динга ҳам зарар келтир-ручи мислсиз офат экани таъкидланган.

Бу умумбашарий ғоялар Туронзамина машойихи дунёқарашини ҳам четлаб ўтмади. Зотан, бу ҳудудга мансуб манзилгоҳларда тасаввуф илм-фан ва маданият ривожининг узвий қисми сифатида тараққий босқичига кирган, унинг ривожига тўсиқ бўладиган ёт кучлар жунбуши ахён-ахён кўзга ташланиб қолар эди. Ана шундай бир шароитда «Туркистон аҳлининг шайх ул-машойихи», «султон ул-орифин» Хожа Аҳмад Яссавий: «Тариқатга шариатсиз кирганларнинг Шайтон келиб имонини олар эришиш», — дея дадил фикр айтди ҳамда ўз шо-гирдлари, аҳли илм фаолиятида шариат ва тариқатнинг уйғун тарзда тақомилга етишига ало-



ҳида эътибор қаратди.

Шариат ва тариқатни ўзаро алоқадорликда тараққий эттириш, жамиятни турли фикрий офатлардан йироқ сақлашда хожагон таълимоти-нинг Мовароуннахрдаги асосчи-си ва сардори Хожа Абдуллоҳ Гиждувоний фаолияти муҳим ўрин тутайди. Улуғ Хожа «Васиятнома» китобларида шундай таъкидлайди: «Эй ўғлим, молинг фикҳ ва ҳадис бўлсин. Жоҳил сўфийлардан йироқ бўл!» Ҳазрат «жоҳил сўфийлар» деганда тасаввуфни шон-шўҳрат ва манфаат воситасига айлантирган айрим кимсаларни назарда тутгани шубҳасиз.

Хожагон-нақшбандия Куръон ва суннатга таянганлиги, Расулulloх (с.а.в)нинг унутилиб кетган барча суннатларига амал қилишга, шари-атдан узок бўлмасликка, фикҳ ва ҳадис илмларини мустақкам эгал-лашга чақириши, ханафий мазҳа-би ва мотуридия ақида-сида асос-лангани, «Кулинг ишда бўлсин, кўнглинг — Аллоҳда» ширини тар-ғиб қилиши, кишиларни ҳалол ме-ҳнатга, касб-хунар билан шуғул-ла-нишга, ўз қўл меҳнати эвазига ҳалол ризқ-рўз топишга даъват этиши билан эътибор қозонди ва қозонмоқда.

Тасаввуф — пайғамбарлардан қолган улғур мерос. Ҳар бир пай-ғамбар ўз қалбини Аллоҳнинг зи-ри билан пок этиб, Унинг буйруқ-ларини бекаму кўст бажарган ва ҳалол меҳнат ила ризқ топишни ўз бурчи деб билган. Жумладан, Одам алайҳиссалом деҳқончилик, Идрис алайҳиссалом темирчилик, Мусо ва Муҳаммад алайҳиссаломлар чўпон-лик қилган. Кейинчалик Муҳаммад алайҳиссалом тижорат билан шу-ғулланганлар. Бу аъёнларнинг му-носиб давом эттирган нақшбандий шайхлар амалий фаолиятда ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в)дан мерос бўлиб қолган суннатга садоқат баҳо этишган. Жумладан, Хожа Али Ромитий — тўқувчи, Хожа Муҳам-мад Бобойи Самосий — бобгон, Сайид Амир Кулол — кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд — нақшош, тўқувчи ва чорвадор, Сайид Амир Кулолнинг ўғли Сайид Амир Ҳамза — овчи, Хожа Убайдуллоҳ Ахрор — чорвадор ва савдогар бўлишган.

Жоҳил, нодон, тафаккур доира-си тор, мутаассиб сўфийлар халқ-ни залолатга, мутаассибликка (фан-натизмга) даъват этувчи хатарли куч эканини яхши билган, хожагон таълимотини ичдан янгилаган, унга жаҳоншумул шўҳрат келтирган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазрат-лари ҳам мутаассиблик, жаҳолат-парастлик, маърифатсизликка қаттиқ қарши турганлар ва бу ил-латларни кескин қоралаганлар. Буюк бобокалонимизнинг мана бу сўзлари гоёт ибратли: «Биз Аллоҳ-нинг лутфига боғланганларимиз. Бизни лутф эшигидан киргизди-лар. Вазифамиз — фарз, вожиб ва суннати муваққад (таъкидланган) ларни адо этишдан иборат». Ул зоти шарифнинг нуқтаи назарлари-га кўра, Аллоҳ марҳаматида турли ёт ғоялар таъсирга тушиб ада-шиш эмас, балки фарз, вожиб ва суннат амалларга содиқлик тўғрисида эришилди.

Улуғ Хожа зоҳирпарастликни қатъий қоралайди. Зеро, Тангри наздида ҳам энг мақбули — қалб ибодати. Ибодатини бошқалар кўзи учун қиладиган, «қаромати»ни кўрсатишга ошқоқидан зоҳирпа-раст сўфийлар — икки дунёда ҳам шармисор. Зоҳирда бегона кўри-ниб, ботинни огоҳлик нури билан ёритган зотларга эса бутун дунё

ҳавас қилади. Бинобарин, ҳазрат Баҳоуддин шундай буюради:

**Зоҳиринг бегона, ботинда бўл
огоҳ ҳар нафас,
Бул каби озода рафторга жаҳон
қилгай ҳавас.**

Ҳазрат Нақшбанд қароматни зо-ҳир этишни ҳам айб ҳисоблаган-лар. Улуғ зот бунга одатланиш ман-манликка маҳкум қилишини, бу эса кибру ҳаво ботқоғига ботиш ва Яратганнинг марҳаматидан беба-ҳра қолиш билан баробар эканини ўқтирди. Алломанинг мана бу ҳик-мати инсоннинг омонат умри қа-ромат зоҳир этиб, халқ кўнглига қутқу солиш эмас, балки фарз, во-жиб ва суннат амалларни мукам-мал адо этиш учун берилганини таъкидлаши билан эътиборли:

**Йўлга чиқдик чин ибодатни дея,
Келмадик кашфу қароматни дея.**

Манбалар шаҳодатича, нақшбан-дия таълимоти давомчилари сифа-тида майдонга чиққан кейинги давр алломалари ўз дуоларида қаромат зоҳир этиб, шармисор бўлишдан асрашини сўраб, Яратганга илти-жо қилар эканлар.

Нақшбандиянинг муносиб да-вомчиси, «Ҳайрат ул-аброр», «Ли-сон ут-тайр», «Насойим ул-муҳаб-бат» каби шох асарларида тасав-вуфнинг назарий ва амалий муам-моларини таҳлил қилган улғур шоир Алишер Навоийнинг тасаввуф шар-ҳи бағишланган газали ҳам ша-рият ва тариқат талқинида гумрох-лик ва худнамоллик авж олиб кетган бир шароитда яратилган эди.

Ижтимоий-маърифий ҳаётдаги ҳар бир нарсасида тасаввуф талабчан-лик билан муносабатда бўлган ҳаз-рат Навоий тасаввуф аҳлига ман-сублик масаласида ҳам шарт ва че-гараларни қатъий белгиллади. Та-саввуф асли ва наслида ихтилоф бўлмаган, яъни асли ва насли тоза, фель-хўйи раҳмоний бўлган киши-ларга насиб этади, дейди шоир. Бироқ тасаввуфни дунёдан узилиш, тақводорлик ва тоатдан иборат деб тушуниш — хато. Чунки зуҳду тақ-вою тоатни ихтиёр этганлар ўзла-ри учун риё эшигини бекита ол-майди. Тасаввуф ва тақво эш, аммо бу тақво риё билан алмашган, сам-мият ўрнини ёлгон эгаллаган жойда тасаввуфга дахлдорлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлайди буюк маъ-рифатпарвар:

**Бировга мусаллам тариқи
тасаввуф, —
Ки зотида мавжуд эмас тур
тахаллуф...**

**Тасаввуф эмас зуҳду
тақвою тоат, —
Ки анда риё йўл топар
бетаваққуф...**

**Эрур маҳз тақвою ва
лекин риёсиз
Убудияти сарфу айни
талаттуф.**

Улуғ алломанинг бу танбеҳу на-сиҳатлари бежиз эмаслигини ан-гладан, ўзлари яшаб турган муҳи-тада гафаришарий ва тасаввуфга иснод келтирадиган ишлар урфга айлан-ганини кўрган шоир замондош-лари ва кейинги давр ижодкорлари ҳам бу муаммога қайта-қайта му-рожаат қилишди. Жумладан, XV асрнинг биринчи ярмида ижод қилган шайх-шоир ва мутаассиб Сайид Қосимийнинг зоҳирпараст-ликни одат қилган мунофиқ сўфий-лар ҳақидаги мана бу мисралари бугунги кун билан гоёт ҳамонаг:

Ичинг бирлан ташинг эрмас му-

**вофиқ,
Тасаввуфдан дам урма, эй му-
нофиқ.**

Маърифатпарвар шоир Навоий фикрини кўллаб-қувватлайди. Дар-ҳақиқат, тақво ва риёни бир тана-жа жо этиб бўлмаганидек, зоҳир ва ботинни бирдек покламай туриб, тасаввуфдан сўз очмоқ риёкорлик-дан ўзга нарса эмас.

Суфи Аллоҳёрнинг «Шариатсиз киши учса ҳавога, Кўнгул берма анингдек худнамога» мисралари эса бугун ўзини «пир» деб эълон қилган, Пайғамбаримиз (с.а.в) сун-натларига юзак муносабатда бўладиган, одамлар кўнглига қутқу солиш, мурид овлаш, давлату сав-лат илинжида тўрт томон изғишни одат қилган кимсалар ҳақида ай-тилгандек гўё.

Собик шўронинг Туронзаминни осонлик билан забт этиши ва даҳ-рийликка асосланган сиёсатни бут-ун ўлка бўйлаб ёйишида ҳам ас-лида ўз қадриятларимизга, ўтмиш аъёнларимизга бепарволигимиз, ақидавий ихтилофларнинг олдини ололмаганимиз, маърифий ҳаёти-мизни турли майда оқимлар таъ-сиридан тозалашга киришмагани-миз омиш бўлган эди. Дину диёна-тимиз, илму маърифатимиз топтал-ган, инсонпарвар дин ва маънави-ят равнақи йўлида захмат чеккан Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби ўнлаб буюк бобо-калонларимиз яратган ислом ма-данияти оёқости қилинган, кўп ас-рлик нодир меъморий обидалар, масжид-мадрасалар бузиб ташлан-ган, азиз авлиёлар номи билан бо-лик қадамжоларни зиёрат қилиш таққиланган ўша кунлар озорини унутиб бўлар эканми?!

Афсуски, бугун ҳам ҳукуматимиз-нинг дину диёнатимизни тиклаш, халқимизни маърифатли қилишга қаратилган изчил ислохотлари аҳамиятини тушунмайдиган, улар-га беписанд муносабатда бўлади-ган, уларнинг динларвар ва инсон-парвар моҳиятидан ўз шахсий ман-фаатларини қондириш, шон-шў-ҳрат қозониш мақсадида фойдала-нишга уринадиганлар бор. Ўз хат-ти-ҳаракатларининг нафақат давлат ва жамият ривожига, балки диний осойишталикка ҳам раҳна солаёт-ганини англамаётган бундай ким-салар — бугунги ва эртанги кун-имиз учун гоёт хатарли.

Шу боис ҳар биримиз, мухта-рам Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидланганларидек, «жаҳон тафак-кур хазиначисига ва муқаддас дини-миз ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимиз меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, эз-гулик, маънавий комилликка чор-ловчи ғояларини ватандошлари-миз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига синдириш» йўналишида чинакам гайрат кўрсатишга бурч-лимиз. Зеро, бу йўлдаги огоҳлик ва фидойилик нафақат ибодатла-римизни эмин-эркин адо этиш, балки мустақил юртимизда тинчлик ва барқарорлик пойдор бўлиши учун замин яратайди. Шунингдек, «Ғояга қарши — гоё, мафқурага қарши — мафқурани қурол қилиши-ри зарур» бўлган бир шароитда аҳли хонадонимиз, фарзандлари-миз онгини ҳар турли ёт ғоялар-дан муҳофаза қилувчи кўрғон ва-зифасини ўтайди.

**Абдулғафур Раззоқ БУХОРИЙ,
Мир Араб мадрасаси мударриси,
«Нақшбандия» журналининг
2-сонидан олинди.**

ИЛГОР ТАЖРИБА

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР АСОСИДА

СОҒЛОМ турмуш тарғиботининг янги босқичига киришилди



Миробод туманидаги "Баҳор" маҳалласининг фаоллари навбатдаги иш режасини муҳокама қилишмоқда.

© фото-Носир Хайдаров

Юқумли касалликлар, хусусан, ОИВ инфекцияси ва ОИТСнинг аҳоли орасида тарқалишига чек қўйиш муаммоси кўпчилик масъуллар қатори бизни ҳам ўйлантиради, — дейди Эллиқалъа туманидаги "Сарибий" овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Гавҳар Фахриддинова. — Ушбу саволга баралла "Ҳа", деб жавоб бера олам. Босиси, овулимизда ўз тажрибамизни бир неча бор синаб кўрдик. Хулосаларимиз ижобий. Гигиена қоидаларига, озодалликка, уй-рўзгорда фойдаланиладиган буюмлар тозалигига қатъий риоя қилиш, инсон ўз танасини пок тутиши, шубҳасиз, ҳар қандай юқумли хасталикка қарши энг асосий тўсиқдир.

Юртимизда юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилади. Эътиборлиси, тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари миллий кадрятларимиз, урф-одатларимиз асосида ташкил этилмоқда. Вазир-

лар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан бу омилга алоҳида эътибор қаратилгани ўз самарасини берди. Жумладан, қарор асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ўтказилаётган тадбирларнинг етказиш услублари қайта кўриб чиқилди. Мутахассислар билан учрашув ва давра суҳбатларини миллий менталитетимизга мос усулларда олиб бориш натижасида тадбирлар таъсирчанлигига эришилмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг аёллар ҳуқуқий, тиббий маданиятини оширишга эътибор қаратиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаётгани бежизга эмас. Уй бекалари тиббий маданиятга, биринчи ёрдамни бериш кўникмасига эга бўлса, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш кийин кечмайди.

— Давлатимиз раҳбарининг аёллар ҳуқуқий, тиббий маданиятини оширишга эътибор қаратиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаётгани бежизга эмас. Уй бекалари тиббий маданиятга, биринчи ёрдамни бериш кўникмасига эга бўлса, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш кийин кечмайди. Бу амалиётда ўзини исботлади. Овулимизда 17 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг тенг ярами хотин-қизлар. Худудда 8 та мактаб, икки-

та мактабгача таълим муассасаси, касб-ҳунар коллежи мавжуд. Уларда минглаб болалар таълим-тарбия оляпти. Мунтазам олиб борилган тушунтириш ишлари, мутахассислар билан ўтказилган учрашувлар натижасида аҳолида репродуктив саломатлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида зарур кўникмалар шаклланди. Яқин пайтда фаол аёллар бизга яқиндан кўмак бериб, аҳоли саломатлигини таъминлашга доир тадбирларни ташкил этишга ўз хиссасини қўшишаётири.

Маслаҳатчи таъкидлаганидек, йиғинда ишлар шундай ташкил этилдики, аҳоли нафақат саломатлиқ тадбирларига қатнашди, балки тегишли мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларидан ўзига хулоса чиқариб, мавжуд билмилар асосида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга, шакллантиришга астойдил киришиб кетди. Бу тадбирлар аниқ режа асосида, илғор ва оммабоп услубларда, миллий менталитетимизга мос тарзда олиб борилади.

Шунга ўхшаш илғор тажрибани Шахрисабз туманидаги "Сарой" маҳалласида ҳам қўзатиш мумкин. Йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раҳима Отабоева репродуктив саломатлиқни

муштақамлаш, жисмонан бақувват, баркамол авлодни дунёга келтириш ва вояга етказишда маҳаллада спортни ривожлантириш етакчи оми, деб ҳисоблайди. Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси худудда спорт кунлари сифатида белгиланиб, ўтказилаётган мусобақа ва кўрик-танловларга маҳалла аҳли жалб этилаёттир.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 ноябрдаги йиғилишида тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасидан хорижга кетаётган ва юртимизга кириб келаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар орасида ОИВ инфекцияси билан касалланиш ҳолатини аниқлаш ва касалликнинг олдини олиш бўйича Тартиб"ни ҳаётга татбиқ этиш ишларини амалга ошириш бўлиб юбордик, — дейди маслаҳатчи. — Ҳар бир фуқаро тегишли тартибда шифокорлар қўригидан ўтказилди. Айниқса, хорижий мамлакатлардан келган шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтишини жиддий назоратга олганмиз. Бу борада туман хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси сардори билан хорижга кетаётган ва юртимизга кириб келаётган фуқаролар мониторингини олиб бораёмиз. Шу вақтгача турли юқумли касалликларга чалинганлар қайд этилмади. Уйлайманки, бунда фуқаролар йиғини мутасаддилари бажараётган ишларнинг алоҳида ўрни бор. Маҳалла худудига яқиндан кўчиб келган фуқароларга ҳам тиббий кўриқдан ўтиши лозимлиги тушунтирилаёттир.

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувида бўлиб ўтган Раёсат йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида тасдиқланган Тартибнинг ижросини таъминлаш масаласи кўриб чиқилган эди. Унга кўра "Ўзбекистон Республикасидан хорижга кетаётган ва кириб келаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар орасида ОИВ инфекцияси билан касалланиш ҳолатини аниқлаш ва касалликнинг олдини олиш бўйича Тартиб" ижро учун қабул қилинди. Бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тартибда белгиланган вазифалар ижроси ҳаётга жадал татбиқ этилмоқда.

Айтиш жоизки, юртимизда юқумли касалликларга қарши курашишнинг янги босқичи бошланди. Йиғин мутасаддиларининг қайд этишича, бу тадбирларнинг халқимиз аънавалари, қадриятларига асосланлиб олиб борилаётгани, албатта, ўз самарасини беради.

Муқаддас ХУДОЙБЕРДИЕВА

ТАРҒИБОТЧИГА ЁРДАМ

БАЛОЛАРНИНГ БОШИ ГИЁҲВАНДЛИҚДИР

САВОЛ: Тарихда одамларни ҳидоятга, тўғри йўлга бошлаш, адашганларни нотўғри йўлдан қайтариш бўлганми?

ЖАВОБ: Ҳа. Бу маънавий тиббиёт, ахлоқий муолажа деб ҳам аталган. Имом Ғаззолий одамларни ахлоқий муолажани қабул қила олиш имкониятига қараб тўрт тоифага ажратади:

1. **Ғофил инсонлар.** Улар ҳақ билан ботилнинг, чиройли билан хунукнинг фарқида бормайди. Лаззатларга ҳаддан ташқари тобе бўлиб қолгани учун, улар биронта истагини қондира олмайди. Бу тоифа инсон муолажани жуда тез қабул қилади. Фақатгина у бир муаллимга, муршидга муҳтож. Шунда у тез орада хулқи гўзал инсонга айланади.

2. **Жоҳил ва адашган инсонлар.** Бу тоифадагилар ёмонликнинг нелигини билади, лекин яхши ишларга оdatланмаган, қилаётган ёмон амали уларга чиройли бўлиб кўринадди. Аввалло,



улар бузуқликка одатланиш натижасида ичида маҳкам ўрнашган жуда кўп иллатларни нафсидан суғуриб олишлари лозим. Кейин яхшиликка ундайдиган сифатини қалбига эъмоқлари керак.

3. **Жоҳил, адашган ва фосиқ кимсалар.** Бу тоифадаги киши ёмон ахлоқни яхши ахлоқ деб эътиқод қилади. Ундаги бу қараш борган сари такомиллашадиган бўлиши мумкин.

4. **Жоҳил, адашган, фосиқ ва ёвуз кимсалар.** Бу тоифага мансуб кимса нафақат бузуқ дунёқарашда такомиллашади, балки у ёмонликни кўпайтиришни фазилат деб билади ва бу билан фخرланади. Бу тоифадаги кишиларнинг аҳволи оғир.

САВОЛ: Терроризм тарихида одамни зомбига айлантиришнинг мафқуравий усуллари қўлланилганми?

ЖАВОБ: Терроризм тарихида бузғунчи ғоялар раҳнамолари нафақат ғоявий тарбиядан, балки киши организмидеги моддий-физиологик ўзгаришлардан ҳам фойдаланганини тасдиқловчи мисоллар бор.

Келиб чиқиши яманлик Хасан Саббоҳ деган одам ўз тўдасини тузди. Яъни Хасан Саббоҳ ёш, забардаст йигитларни ўз ишига жалб этиб, агар ўзига сидқидилдан эътибор қилсалар, уларга Аллоҳнинг жаннати нақд эканини уқтирган. Бу борада у ўзи "воситачи" бўла олишига уларни ишонтириган. Хуллас, у танлаб олган йигитларига гиёҳванд модда — афюн ичкизган. Маст бўлган, хизматчилар уларни «жаннат»га элтишган. У ер гўзал чаманзор бўлган, қушлар сайраб турган ва асосийси, ҳариб либосларга бурканган соҳибжамол қизлар йигитларга ошиқона тайёланган бўлишган. Қайфлари таркаган йигитлар яна «оддий ҳаёт»да уйғонишган ва ҳамisha ўша жаннатни кўмсаб яшаётган. Сардор уларга агар вафот этишса, албатта, ўша жаннатга тушиларини уқтириб, қафолат беришган. Натижада бу фидойилар итоатгүй жониворларга айланишган.

Машхур испан сайёҳи Марко Поло Аламита борганида Хасан Саббоҳ билан учрашиб, у ерда бир неча кун яшайди ва бахтли тасодиф туфайлигина омон қолади. Ўз хотирларига Марко Поло қизиқ бир воқеани келтиради: Хасан Саббоҳ сайёҳ билан қалъани айланиб юраркан, у бирдан қалъа девори устида турган соқчига «сақра» дея амр этади. Соқчи ҳеч бир иккиланмасиз ўзини жарга отади. Хуллас, Хасан Саббоҳ ана шундай «фидойилар» — зомбиларни дунёга келтиради.

Дунёнинг кўплаб шаҳарларида ўз жонига қасд қилиб, беғуноҳ одамларни ўлдирётган камикадзелар ана ўша Хасан Саббоҳнинг ворисларидирлар. Бундайн аҳмоқона ҳаракатга эса фақат ва фақат гиёҳвандлик орқали борилади. Эҳтимол, Усома бин Ладеннинг ҳам ўз «жаннати» бордир ва ўз одамқушларини ўша ерда «чарх-лаб» олар. Чунки ўз жонини бериб, ўзгалар жонини олмоқлик ақли соғ одамнинг иши эмас. Демак, ҳамма балоларнинг бошида гиёҳвандлик балоси турбиди. Ана шундан хушёр бўлмоғимиз керак.

«Маҳаллада ғоявий тарғибот» китобидан олинди.

Ўзбекистон Республикасидан хорижга кетаётган ва кириб келаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар орасида ОИВ инфекцияси билан касалланиш ҳолатини аниқлаш ва касалликнинг олдини олиш бўйича

ТАРТИБ

биргаликда ҳар бир хонадондан Ички ишлар вазирлиги тақдим этган рўйхатга асосан хорижга кетаётган ва кириб келаётган фуқароларнинг мониторингини юритилади. Шунингдек, ОИВ ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг олдини олиш, касаллик оқибатлари, соғлом турмуш тарзи тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боради ҳамда ОИТСга қарши кураш минтақавий марказларида тиббий текширувдан ўтишни тавсия этади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ОИВ масалаларида мурожаат этувчи шахсларга тушунтириш ишларини олиб бориш учун чора-тадбирлар белгилайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Маҳалла" жамғармаси ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ўрнатилган тартибда хорижга чиқиб кетаётган ва кириб келаётган фуқаролар орасида ОИВ инфекцияси билан касалланиш ҳолатларини аниқлаш ва касалликнинг олдини олиш тадбирларини амалга оширади.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий ғоя ва мафқура илмий-амалий маркази фуқароларни Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишлари ва кириб келишларида ОИВ инфекцияси ҳақидаги тегишли маъ-

лумотларни эслатма ва буклетлар орқали таъминлайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги худудлардаги оилавий поликлиника шифокор ва ҳамширалари орқали, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда худудга доимий ёки вақтинча яшаш учун кириб келган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари билан ОИВга текширувдан ўтишнинг ихтиёрий ва конфиденциаллиги улар учун аҳамиятли эканлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боради.

9. Фуқаро ОИВ инфекциясига тиббий текширувдан ўтишга розилик билдирган тақдирда, яшаш жойидаги ишонч (аноним) хоналарида текширувдан ўтади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жойларда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирлари ўтказилиши ҳолатини мунтазам ўрганиб, натижалари тўғрисида ҳар чоракда Республика комиссиясига ахборот тақдим этади.

11. Ўзбекистон Республикаси худудда хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (хорижий давлатлар томонидан ҳужжатлаштирилган)да ОИВ инфекцияси аниқланган тақдирда, улар амалдаги қонунлар асосида Ички ишлар вазирлигининг хорижга чиқиши, келиши

ва фуқаролиқни расмийлаштириш бошқармаси томонидан республика худудидан ўз ватанларига ўрнатилган тартибда чиқариб юборилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ОИВ инфекцияси билан касалланиш ва унинг олдини олиш мавзуларида амалга оширилаётган тадбирларни оммавий ахборот воситалари ва матбуот саҳифаларида ёритиб борилишини таъминлайди.

13. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурдаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидеги минтақавий бюролар орқали хорижга меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун кетаётган шахсларни тендер асосида танлаб олинган тиббий муассасаларда тиббий кўриқдан ўтказиш ва уларга тиббий муассасалар томонидан охириги 15 кунда ОИВга текширилганлик ҳақида сертификат берилади.

14. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурдаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидеги минтақавий бюролар орқали, хорижга меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун кетаётган шахсларга мўлжалланган, уларнинг

бевосита хорижга юборилишларидан олдин, ОИВ инфекцияси муаммолари мавзусидаги 7 соатлик ўқув машғулотларини ташкил қилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, чет элга ўқишга юборилаётган ва ўқишни тугатиб қайтиб келаётган фуқароларни соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббий муассасаларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ тиббий кўриқдан ўтганлик ва уларга охириги 15 кунда ОИВга текширилганлик ҳақида сертификат берилганлигини назорат қилади.

III. Ўзбекистон Республикасининг хорижга кетаётган ва кириб келаётган фуқаролар орасида ОИВ инфекцияси билан касалланиш ҳолатларини аниқлаш ва касалликнинг олдини олиш бўйича Тартибни бузганлик учун жавобгарлик

16. Ўзбекистон Республикасининг хорижга кетаётган ва кириб келаётган фуқаролар орасида ОИВ инфекцияси билан касалланиш ҳолатларини аниқлаш ва касалликнинг олдини олиш бўйича Тартибни бузганлик учун айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Мамлакатимизда ОИВ инфекцияси тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида ҳукуматимиз томонидан қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари шундай муҳим ҳужжатлар сирасидандир.

Уларнинг ижросини таъминлаш, амалиётга татбиқ этиш фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ва бошқа масъулларнинг диққат марказида турибди. Хусусан, бу борадаги ишларни янада жонлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 ноябрдаги мажлиси қарори билан "Ўзбекистон Республикасидан хорижга кетаётган ва кириб келаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар орасида ОИВ инфекцияси билан касалланиш ҳолатини аниқлаш ва касалликнинг олдини олиш бўйича Тартиб" тасдиқланди.

Куйида Тартибнинг тўлиқ матни билан танишасиз.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур тартиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1023-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1-сон қарори ҳамда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш республика комиссиясининг 2009 йил 13 январдаги мажлиси баёнининг 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикасидан хорижга кетаётган ва кириб келаётган фуқаролар орасида ОИВ инфекцияси билан ка-

салланиш ҳолатларини аниқлаш ва касалликнинг олдини олишни тартибга солишнинг умумий қоидаларини белгилайди.

II. ОИВ инфекцияси билан касалланиш ҳолатларини аниқлаш ва касалликнинг олдини олиш бўйича тегишли вазирлик ва ташкилотлар томонидан бажариладиган тадбирлар

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республикага кириб келиш учун виза режими жорий этилмаган давлатлардан кириб келаётган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мурожаатларига уларни ўз тизимидаги тегишли муассасаларда қонунда белгиланган тартибда ОИВга текширувдан ўтказилади.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла посбони билан

САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ

ЭРТАКЛАР ОЛАМИНИНГ МАЛИКАСИ



Инсон умрини оқар дарёга ўхшатадилар. Сув ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Жилгалардан бошланиб, улкан сойга, дарёга айланади, боғ-роғларга, экинзорларга жон бахш этади. Шу боисдан ҳам сувни эъзозлаймиз, ҳар томчисини қадраймиз.

Самарқанддаги Асрор Жўраев номидидаги вилоят кўғирчоқ театри актрисаси Шаодат Усмонованинг жўшқин ҳаётини, сермазун ижодини Зарафшон дарёси тўқинларига, воҳа кенгликларига ўхшатишимиз келадди. Негаки, Шаодат Усмонова бутун умрини, билимини актёрлик ва режиссёрликка бағишлаб келмоқда.

Самарқанд вилоят кўғирчоқ театри 1978 йили ташкил этилган бўлиб, у ўша йили Тошкент Давлат санъат институти битирувчиларининг курс ишлари сифатида Йогельсен раҳбарлигида саҳналаштирилган кўғирчоқлар томошаси билан

фаолиятини бошлаган эди. У институти битиргач, 1985 йили ана шу кўғирчоқ театрига ишга келди.

Шаодатнинг сахнадош дўстларидан бири Жамила Мардонова шундай дейди: «Шаодат — ўз устида тинимсиз ишлайдиган, изланадиган актриса. Эндилдикда у кўғирчоқ театримизнинг бош режиссёри сифатида бошқалардан ҳам тинимсиз ижод қилишни, изланишни талаб қилмоқда. Ҳаётда эса, дилбар аёл, меҳрибон она. Ўғли Отабекни оқил фарзанд қилиб тарбияламоқда.

Ш.Усмонова Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кўғирчоқ театри Республика 1-фестивалида «Энг яхши аёл актриса» номинациясига сазовор бўлган эди. Ушанда у яратган «Турна пати» спектаклидаги Цу образи ҳамон томошабинлар хотирасида. Шаодат саҳналаштирилган «Тошкесарлар мамлакатиди» спектакли Бухорода ўтқа-

зилган фестивалда Гран При мукофотига лойиқ топилди. Театримиз жамоаси 2009 йилги мавсумни ҳам муваффақият билан яқунлади. Янги — 2010 йил арасида ўтказилган кўғирчоқ театрлари VIII фестивалида голибликни қўлга киритди. Андижон шаҳрида ўтган ушбу санъат байрамиди бош режиссёримиз раҳбарлигида саҳналаштирилган Мухсин Қодировнинг «Олтин бошоқ» спектакли талабчан жюри хайъатининг муносиб эътирофига сазовор бўлди.

Мен Шаодат билан тенгқур-дўст, сахнадош-рақобатчи бўлиб ишлаётганимдан хурсандман. Унинг маслаҳатларига, ёрдамига ҳамиша эҳтиёж сезиб тураман».

Дарҳақиқат, томошабинлар сахнада намоиш этиладиган тайёр томошаларни кўришади. Уни тайёрлаш учун чекиладиган заҳмат, машаққатли меҳнат сахна ортда қолаверади. Мутахассис театршунослар таъкидлаганидек, болалар кўғирчоқ театри актёрларининг меҳнат машаққатлари бошқа театрлар артистлари меҳнатига нисбатан бир неча баробар ортиқдир. Буни турли кўғирчоқларни қўлида соатлаб кўтариб турадиган, паррандаю ҳайвонларнинг овозини ишончли тарзда ўхшата оладиган актёрнинг бу масъулиятни бир пайтнинг ўзиде элай олаётганини ҳис этсангиз, ижро мураккаблиklarини тасаввур қиласиз, албатта.

Сахнада хатога йўл қўйилса, ёши катта томошабинлар тушунишади. Бироқ болаларга буни тушутириб бўлмайди. Болалар кўғирчоқ театрида «тузатишга» ўрин йўқ. Айтилган ҳар бир сўз отилган ўқ билан баробар, амалга оширилган ҳар бир ҳаракат эфтир тўқинларига ўхшайди, уни ортга қайтариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам устозимиз сахнада у муҳим, бу муҳим эмас, у катта, бу кичик демасдан ҳар бир детал устида кунт билан ишлайди, — дейди театрнинг олий тоифали актёри Акбар Абдуллаев. — Мен «Олтин бошоқ» спектаклида бош ролни, яъни Шодивой образини ижро этдим. Шодивой дастлаб меҳнатнинг, бир бурда ноннинг ҳам қадрини билмайдиган тантқиқ бола бўлади. Бошидан яхши-ёмон кунлар ўтиб, ниҳоят унинг ҳаётида яхши томонларга ўзгаришлар юз беради. Демак, бир инсонда турли қиёфалар яшайди. Ўзар, ўр, ҳаёт қонуларини тушуниб ета бошлаган, қилмишидан пушаймон бўлган

ва ниҳоят одобли болага айланган Шодивойнинг ички дунёсини содда, тушунарли қилиб очиб беришимда устозим Шаодат опанинг гамхўрлиги, хизматлари алоҳида роль ўйнади. У кишига мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арасида мухтарам Юртбошимизнинг Фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонининг берилиши жамоамизни бағоят қувонтирди. Устозимиз Шаодат Усмонованинг фидокорона меҳнатлари Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан эътироф этилгани жамоамизни янгидан-янги ютуқларга ундамоқда.

Халқимизда: «Алдагани бола яхши», деган мақол бор. Бизнинг жамоамиз эса, болаларни алдашни энг оғир гуноҳ, деб билишади, — дейди Шаодат Усмонова. — Болалар дунёси — мусаффо дунё. Ана шу тиниқ оламни қанча кўп эзгулик, меҳру вафо, садоқат, элу юртга фидоийлик хисларига тўлдирсак, юртимизнинг порлоқ келажига, баркамол авлод тарбиясига шунча катта ҳисса қўшган бўламиз.

Биз шахримиздаги санъат касбхона коллежи битирувчиларини шоғирд сифатида қабул қилиб, тарбиялаймиз. Яна бир муаммо шундаки, болаларбоп миллий-замонавий асарлар кам.

Шаодат Усмонова турли жиҳозлар, кўғирчоқозлик каби аста-секин ҳал этилаётган масалалар хусусида гапираркан, жамоа эртаниги кунга ишонч билан қараётганини алоҳида таъкидлади.

Биз юқорида қахрамонимизнинг умр йўлини, сахнадаги салкам ўттиз йиллик фаолиятини жўшқин ва сазоватли Зарафшон дарёсига ўхшатган эдик. Зеро, умрини сахнага бағишлаб, бири-биридан мукамал образлар яратган, минг-минглаб болажонлар қувончига қувонч қўшган қахрамонимизнинг ҳар бир ютуғи боғ-роғларни гуркиратиб, яшнаётган Зарафшоннинг саховатини ёдга солади.

Ҳа, инсон умри манзиллардан иборат. Манзиллар оралиғида эса тақатлар мавжуд. Шаодат Усмонова бугун айна ижодий балоғат бекатида. Болақайларимиз ундан аҳойиб, янги-янги саҳна асарлари кутишмоқда.

Ўқтам ҚУРБОНОВ,
«Mahalla» муҳбири.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

БОЙ БЕРИЛГАН БАХТ

МУКАРРАМ момо набирасини бағрига босиб йўғлади. Илтижо билан боқайтган набираси олдида ўзини гуноҳкордек ҳис этди. Ўғли Азизбек билан келини Холида чет элга «ишлаб пул топиб келамиз», деб кетганига ҳам, мана, икки йилдан ошди. На хат, на хабар бор. Бунчалар тошмехр бўлишмас! Ҳеч бўлмаса, кўнғор қилиб, қаердалиklarини айтишса бўлмайдими?!

Айб ўзида, ушанда қаттиқ турмади. Ўғли бинойидек ишлаб юрганди. Қўшни қишлоқлик ўртоқлари йўлдан уришди: «Бир-икки йилда бойиб кетасан, дангиллама уй қурасан, тўй қиласан, бировдан кам жойинг бўлмайди», дейишга лақақ ишонди. Ишини йиғиштириб, туппа-тузук сут бериб турган сигирини сотиб, пулини белига боғлаб кетди-борди. Олти ойдан кейин хотинини ҳам қақириб олди. Холида ҳам икки яшар боласини қайнанасига ташлаб, йўлга отланди.

Қизим, сиз шу ерда бўлганингиз дуруст эмасми, болангиз ҳам ҳали кичкина, — дея уни қолишга ундади қайнаnasi. Келини эса:

— Ўзингиз: «Эр қаерда бўлса, хотин ҳам ўша жойда бўлиши керак», деб айтасиз-ку. Мен ҳам бориб ишлайман, икки кишининг топгани бошқача бўлади, — дея қайнаnasининг гапини оғзидан олди.

Келин ўз билганидан қолмади. Орадан беш ой ўтган, ўғли билан бирга кетган йигитлардан бири шўппайиб кириб келди. Онанинг кўнгли бир нимани сезгандай, хавотирланиб сўради:

— Ўғлим, келиним дурустми, нега хабар беришмайди? Гапир болам, нима гап топиб келдинг?

— Азизбекка озроқ пул керак бўлиб қолди, — деди хабарчи кўзлари жовдираб. — Яна икки кундан кейин жўнаб кетаман. Тезроқ олиб бориб беришим керак...

Бу гап момони довдиратиб қўйди. Ие, бу қанақаси бўлди? Ишлаётган одам пул жўбориш ўрнига ўзи пул сўраб турса. Пулни қаердан олади? Ҳозир ким ҳам қарз беради?

Момонинг боши қотди. «Бундай бемехр болага берадиган пулим йўқ», деб қайтариб юборса-чи? Лекин кўнгли юмшади: «Ўғлимнинг ростдан ҳам иши юришмай, пулга муҳтож бўлиб қолгандир...»

Уйлай-уйлай, қўшнисидан минг хижолат чекиб, озроқ қарз сўради, бироқ нимагалигини айтмади. Қўшни сўраган пулни олиб чиқиб берди, аммо ўғлининг шаънига сал нордонроқ гап

қилиб, дилини оғритди.

— Сен борибқол пулни ўғлимнинг қўлига бер, кейин қаттиқ тайинла, соғ-саломатлигини менга билдирсин, пул жўнатмаса ҳам, тинч бўлса бас. Шу ерда ҳам одамларнинг тирикчилиги бинойидек ўтиб турибди. У ёқларда сандирақлаб юрмай, тез орқага қайтишлар, — дея тайинлади момо йигитчага.

Орадан бир ярим йил ўтди. Бир кун момо туш қўрди. Тушдада ўғли билан келини қайтиб келибди. Бир қараса ўғли билан келини, бир қараса бутунлай беғона одамлар. «Ўғлимизни олиб кетгани келдик», дейишармиш иккаласи. Бола бўлса: «Бувижон, мен буларни танимаганман, сиз билан қоламан, катта бўлсам, сизга ўзим қарайман», деб йиғлармиш. Чўчиб ўйгонган момо тонгача киприк қоқмади.

Бошқалардан кутса ҳам, ўғлидан бундай бемехрликни — онасини, боласини ташлаб кетишини кутмаган эди. Она, башибир она-да: кўнглига келган гаплардан ўзи хижолат тортиди.

Бир кун набирасини ухлатиб, кимнидир кутгандек ҳовлини айланди. Уйга кириб эндигина кўзи илинган эди, дарвоза тақиллагандай бўлди. Аввалига, шундай туюлгандир, деб эътибор бермади. Эшик янада қаттиқроқ тақиллаган, бошига рўмолини ташлаб ташқарига чиқди. Эшик олдида сочи қалта қирқилган, озиб-тўзиб кетган бир аёл турарди. Қоронғи бўлгани учунми ёки шунчалар ўзгариб кетганиданми момо бир муддат келинини танимади. Фақат унинг: «Энажон, мен келдим», деганидан кейин келини эканлигини билди. Жўвон ўзини қайнаnasi бағрига отди-да, бир нарса ёдига тушгандай йўғлаб юборди:

— Энажон, ўғлингиз қаттиқ бетоб, пул керак. Бечора эрим зах жойларда ишлайвериб, зотилжам бўлиб қолган. 15 кундан бери иситмалаб ётибди. Агар кўпроқ пул олиб бориб, уни даволаб олиб келмасак...

Онаизор қарахат бўлиб қолди. Келини: «Энажон пул топишимиз керак», дея қайта-қайта такрорлар, момо эса бу гапларни негадир эшитмас, ҳаёли паришон эди.

Бувисининг ортидан келган ва этагини тўтиб, бекиниб турган болақайни кўрган аёл уни дарҳол бағрига босибга уринди. Аммо бола уни итариб ташлаб, бусисига талпинди. Бу холатдан аёлнинг хўрлиги келиб, хўнграб йиғларди...

Хулқар МАМАТМУРОДОВА

ЯНГИ ОЙ ЧИҚҚАН КЕЧА

АЛДОВ ТЎРГА, РОСТЛИК НУРГА ЎРАЛАДИ

Ушанда адабиётдан ўтказилган очик дарс жуда зерикарли бўлди. Айрим ўқувчилар эс-найвериб, кўзлари ёшланиб кетди. Бунинг устига ўқитувчи қўпол илми хатога йўл қўйди. Буни очик айтган ўқувчи у ўқрайиб қараб, аччиқ сўзлар билан «сўйлади». Табиатан ҳақиқатгўй Мухаббат дарс таҳлил қилинаётганда бунга кўз ююлмади. Интизорнинг дарс бериш жараёнида йўл қўйган хатоларини шартта-шартта айтиди, машғулоти кизикарли ўтиш учун фойдаланиш зарур бўлган, бироқ фойдаланилмаган бир неча интерфаол методларни мисол келтирди, ўқитувчи ўз устида кўп ишлаши, таҳрибали педагоглардан иш ўрганиши, боз устига, ҳозир таълим жараёнида глобал муаммога айланган ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги дўстона муносабатни ўрнатиш кераклигини таъкидлади. Мухаббатдан сўнг Интизорнинг очик дарси қоникарсиз, деб топилди. Шу-шу Интизор Мухаббатни ёмон кўриб қолди. Бироз ўтиб Мухаббатнинг ўқувчиси вилоят олимпиадасида голиб бўлди. Яна бир ўқувчиси «Сув — ҳаёт манбаи» иншо танловида биринчилиқни қўлга киритди. Мухаббатнинг меҳнатларини қадрлаган жамоа навбатдан ташқари педкенаш қақириб, уни моддий рағбатлантирди, ишини оммалаштиришга қарор қилди.

Мухаббат, гарчи бошқа вилоятдан келин бўлиб тушган бўлсада, «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги йўлидаги жонқуярлиги боис маҳалладошларининг хур-

мат-этиборига сазовор бўлди. Айниқса, ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирокида мунтазам ўтказиладиган тадбирларга бошқош бўлар, маҳаллада одам савдоси, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд қилиш, жиноятчиликка қарши кураш каби мавзулардаги тадбирларга астойдил ҳисса қўшиб келарди.

Мухаббатнинг жон қойишти ишлаши Интизорнинг гашини келтирар, дилидаги ҳасад олови-га мой пуркарди. Мухаббат мактабда ўзи ҳақида тарқалган гап-сўзлар юрганини сезар ва бу гапларни ким тарқатаётганини ҳам таҳминан биларди, аммо парво қилмаслиқка уринарди.

Шу орада директор уни қақириб, тезда вилоят халқ таълими бўлимига бирга боришлари лозимлигини айтиди. Вақт тигиз бўлганидан Мухаббат уйига хабар беролмади, аксига олиб эри Мухаббатнинг қўл телефони ҳам жавоб бермади.

— Директор билан кетдимми? — сўради Интизор котибадан. — Ҳа, йиғилишга, вилоят марказига кетишди.

— Хо, шунча ўқитувчи туриб, директор нега айнан Мухаббатни олиб кетаркан?

— Вилоятдан айнан Мухаббатни қақирган-да. — Бўлмаган гап. Йиғилиш бағнона, дийдор ганимат, — сўзли шивирлади Интизор.

— Қўйсангиз-чи, нега уни ёқтирмайсиз? — деди котиба. — Ахир, бир жойда ишлаб... Яхши-мас.

— Э-э, шамол бўлмаса,

дархатнинг учи қимирлармиди? — деди Интизор ва хаёлига бир фикр келиб кўзлари қақнаб кетди.

— Зарофат, сиз Мухаббатнинг эри Маҳкамбекка тишингизни даволатгандингиз-а?

— Ҳа, — деди котиба. — У менинг шифоқошим, жуда қўли энгил шифоқор.

— Менга тиш дўхтир керак эди, — деди Интизор. — Маҳкамбекнинг телефон рақамини беролмайсизми?

Котиба Маҳкамбекнинг телефон рақамини ёзиб берди. Беморни муолажа қилаётган Маҳкамбек телефонда нотаниш аёлдан Мухаббат анчадан бери но-жўя қадам босаётганини, дарсдан сўнг қолиб директорнинг хонасида соатлаб ўтиришини, бу гап жамоада шов-шув бўлиб кетганини эшитиб:

— Нега мен сенинг иғволарингга ишоним керак? Мен Мухаббатни яхши биламан, у бундай па-сткашликка бормади. Аммо яширин рақамда кўнғор қилиб, бировга тўхтаб қиладиган сен иғвогарни, албатта, топиб таъзирингни бераман! — деб ғазабланди.

— Маҳкамбек, менга ишонмаслигингиз мумкин, бироқ бугун айна дақиқаларда ҳам улар бирга. Ишонмасангиз, хотинингизнинг келишини кутинг!

Бу гапдан кейин Маҳкамбек ганиб қолди. Қўли ишга бормади, эр-ароқ уйига йўл олди. Кун ботар паллагача кутди, аммо Мухаббатдан дарак бўлмади. У машинасини мактаб томон қайтди. Муқолишга етганда кўнғорнинг нариги бошидан бир машина бурилиб, уйи олдида

тўхтади. Ундан кучоғида бир даста гул билан Мухаббат тушди. Директор ҳам тушиб, хотини билан қўл бериб хайрлашди. Ойнадан бу манзарани кўриб турган Маҳкамбекнинг ғазабдан қўзлари қисилди, қўли мушт бўлиб тугилди. У машинани қандай орқага бурганини, уйига қандай етиб келганини сезмади. Мухаббатнинг гапларини эшитишни ҳам хоҳламади, уни ҳақоратларга кўмиб ташлади. Ҳанг-манг бўлиб қолган директор кетма-кет тушган муштдан ўзини йўқотди...

Маҳкамбек хотинини ҳайдаб юборди. Шундан сўнг бу воқеа эл озгича тушиб, турли миш-мишлар тарқалди. Интизор шум нияти амалга ошганидан хурсанд. Бунинг устига, дарс соатларини кўпайтириб олди. Аммо кўп ўтмай унинг дарсидан қоникмаган ўқувчилар бутун синф бўлиб мактаб раҳбариятига хат ёзишди. Хатда Интизор Розикова бизга дарс ўтмасин, деган талаб битилган эди.

Шундай кунларнинг бирида котиба Зарофатнинг яна тиши оғриб қолди. Маҳкамбекнинг қабул-ига қатнай бошлаган Зарофат гапнинг мавриди келганда Мухаббат тўғрисида, унинг пок аёллиги, ноҳақдан шунча гап-сўзга қолганини айтиди. Маҳкамбек минг афсус билан бу гапларнинг ростлигини, телефонда бу ҳақда нота-рини бир аёл хабар бергани, қола-верса, Мухаббатни директор кузатиб қўйганини ўзи кўрганини гапирди.

— Очиғи, Мухаббатдан буни кутмагандим... — деди Маҳкамбек.

ХАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

ЮКСАК ЗАКОВАТ, ИРОДА ВА ШИЖОАТ

СПОРТЧИНИ ГОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Ватани кўриқлаш, юрт посбони деган иборалар нақадар катта ва кенг маънони ифодалашини бугунги кунда янада теранроқ англаймиз. Бошқача айтганда, ер билан тиллашаётган бободехқону ўқитувчисининг сўзларидан сеҳрланиб илм ўрганаётган болакай ёки раво йўллар, кўприклар, уйлар, маҳалла гузарлари бунёд этаётган қурувчи ишчилар ҳам ватани ўз меҳнатлари, ҳаракатлари билан кўриқлаётган, унинг юксалишига хизмат қилаётган эъзозли инсонлардир.



Ёзги биатлон бўйича Германияда ўтган Жаҳон чемпионатида юрtdошимиз Анузар Юнусов маррага биринчи бўлиб етиб келди

гини кўрсатиш, уларга етарли шарт-шароит яратиш марказ олдидаги муҳим масалалардан биридир.

...улар Ватаннинг матонатли химоячиларигина бўлиб қолмай, балки юрт шўхратига халқаро мусобақалардаги ғалабалари билан шўхрат қўшаётган элнинг музаффар фарзандларидир.

Лекин юртимизда шундай соҳа вакиллари ҳам борки, улар Ватаннинг матонатли химоячиларигина бўлиб қолмай, балки юрт шўхратига халқаро мусобақалардаги ғалабалари билан шўхрат қўшаётган элнинг музаффар фарзандларидир.

Юртимизда амалий спорт турларини ривожлантириш ҳамда ёшларнинг техник салоҳиятини ошириш мақсадида 2000 йили ташкил этилган Республика техник ва амалий спорт турлари маркази қисқа фурсатда баркамол авлод вакиллари кўмакчи ташкилотларидан бирига айланди. Марказ тизимида олимпиада дастурига киритилган триатлон (1,5 км.га сўзиш, 40 км.га вило поёғ, шунингдек, 10 км.га югуриш), ёзги биатлон, ўқ отиш, авто ва мотоспорт, авиамодел, ракетамодел, кемамодел ва автомобил спортлари, курсантлар кўпураши шунингдек, қатор радио спорт турлари ривожлантирилди. Ёшлар иштиёқ билан дунёнинг илгор техник ютуқларидан баҳраманд бўлмоқда.

Марказдаги мавжуд спорт турлари билан минглаб ёшлар мунтазам шуғулланишди. Ўзбекистоннинг, ушбу спорт турлари ёшларимизни нафақат соғлом, балки техник билимли қилиб тарбиялашда муҳим роль ўйнапти. XXI аср техник тараққиёт даври. Шундай экан, фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам эмасли-

лари техник ва амалий спорт турлари бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда атиги 2 тадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлганди. 2005 йили эса юртимиз ёшлари дунёда техник спорт турлари бўйича ҳам тенгсизлардан бири эканликларини намойиш этишди. Улар йил мобайнида ўтказилган халқаро мусобақаларда 16 та олтин, 31 та кумуш ва 16 та бронза медалларини қўлга киритишди. Албатта, спортнинг яққа қураш ёки ўйин турларида спортчида куч ва чапдастлик талаб этилади. Техник ва амалий спорт турларида эса юксак заковат, ирода, шижоат ва техник қобилиятгина спортчини голиблик шохсупасига олиб чиқади, — дейди Ўзбекистон мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти раиси ўринбосари, республика техник ва амалий спорт турлари маркази директори Шарифжон Мўминжонов.

2009 йил мамлакатимиз техник ва амалий спорт турлари маркази аъзолари учун ҳар йилгидан ҳам омадли келди. Айнан ушбу йилда Германияда ёзги биатлон бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчиларидан Анузар Юнусов ёшлар ўртасида, Руслан Носиров катталар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди.

Ўзбекистонлик спортчиларнинг илк бор биатлон бўйича жаҳон чемпионлигига эришиши, А.Юнусов ва Р.Носировнинг ғалабаси шарафига Германияда Ўзбекистон мадҳиясининг икки бор янграши Ўзбек ёшларининг дунёда ўз салобати борлигини ва албатта, Ватани халқаро майдонда химоя қилиш ватанпарвар ёшлар қўлида эканлигини намойён этди. Шунингдек, юртимизда амалий спорт турларини ривожлантириш ишлари самарали ташкил этилаётганлигини кўрсатди. Ўтган йилги халқаро мусобақаларда мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти спортчилари 16 та олтин медалга эгалик қилганлиги ҳам юқоридаги фикрларнинг тасдиғидир.

Мамлакатимизда жорий этилган уч босқичли спорт тизими — «Универсиада», «Баркамол авлод» ва «Умид ниҳоллари» мусобақаларини ташкил этишда ҳам марказнинг алоҳида ўрни бор. Ушбу спорт ўйинларининг машъаласини ёқиш ва уни мусобақалар ташкил этиладиган манзилга етказиш маркази спортчиларининг шарафли бурчи.

Шу ўринда айтиш лозимки, машъалани манзилга етказиш асно-

сида юртимизнинг турли гўшаларида, маҳаллаларида ҳамкор ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишган ҳолда ташкил этилаётган мусобақалар, учрашувлар юртимиз ёшлари ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоқдаки, бу аҳоли ёшлар қалбида ватанпарварлик, юртининг қадрлаш, қадриятларга эҳтиром ҳиссини жўш урдирмоқда.

Спортнинг техник ва амалий турлари ватанпарвар спортчилар авлодини тарбиялаш, ватан химоячиларининг жисмоний ва маънавий қобилиятини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Бу бўлажак ватан химоячилари орасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга, уларнинг миллий ва маънавий билимини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, юртимизда техник ва амалий спорт турларини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустақамлаш натижасида баркамол авлод вакиллари, узлуксиз спорт тизимига жалб этишнинг изчиллиги таъминланди. Бу йўл ёшларимизни нури манзилларга — юрт қадрига етишдек юксак доvonларга олиб чиқса ва доvonларда собит турган спортчиларимиз Ватаннинг муборак номи дунё узра янада юксалтириш нечоғли саодат эканлигини кўчиликка англатиб турса, ажаб эмас.

Тўлқин РЎЗИЕВ, «Mahalla» мухбири.

Дунёдан дарақлар

Бардаги отишма


ЯПОНИЯНИНГ Осако префектурасига қарашли Хабикино шаҳридаги барлардан бирида қуролланган киши хўрандаларга қарата ўқ узган. Associated Press хабарига қараганда, отишма оқибатида уч киши оғир тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган. Жиноятчи эса ўзини ўлдирган. Врачларнинг айтишича, жароҳатланганларнинг аҳволи оғир.



Полиция вакилининг маълум қуролни қаердан олгани ўрганилмақда. Чунки Японияда қурол

олиб юриш таъқиқланган. Тахминларга қараганда, у жиноий гуруҳлардан бирининг аъзоси бўлиши мумкин.

Ноқонуний деб топилди



БУЮК БРИТАНИЯ ҳукумати икки ислом ташкилоти — «Буюк Британия учун ислом» ҳамда «Ал-Мухажирун»нинг фаолиятини ноқонуний, деб топди ва уларни ёпиш тўғрисида қарор чиқарди.

Мамлакат ташқи ишлар вазир Алан Жонсоннинг таъкидлашича, ушбу ташкилотларга аъзо бўлган ҳамда уларнинг фаолиятини тарғиб қилган шахслар бундан буён ўн йилгача озодликдан маҳрум этилади.

The Guardian газетасининг ёзишича, 1980-йилларда ташкил топган «Ал-Мухажирун» ва «Буюк Британия учун ислом» ташкилотлари кейинги пайтларда ҳукуматга қарши кўплаб акцияларда иштирок этмоқда. Улар, айниқса, ҳукуматнинг Ироқ ва Афғонистонда олиб борётган сиёсатига нисбатан жиддий норозилик билдириб келяпти.

Газета босмаҳонаси ёпилди


THE LOS ANGELES TIMES газетаси харажатларни камайтириш мақсадида Калифорниянинг Оринж округидаги босмаҳоналаридан бирини ёпишга қарор қилди. Шу билан босмаҳонада меҳнат қилаётган 80 нафар ишчининг иш жойлари ҳам қисқаради.



Ношир Эдди Хартенштайннинг таъкидлашича, қоғозни тежаш мақсадида газетанинг формати ҳам ўзгаради. Шу пайтга қадар газета саҳифасининг ҳажми 48 дюм (121,92 см.)ни ташкил этган бўлса, энди у 44 дюм (111,76 см.) ҳажмда чоп этилади.

майиши туфайли АКШда The New York Times, Washington Post, The Guardian, The Observer каби йирк газеталар ҳам штатларини қисқартиришга мажбур бўлди.

Airbus олдинда



САМОЛЁТ ишлаб чиқарувчи Европанин Airbus концерни 2009 йил якунлари бўйича ўзининг асосий рақиб Америка Кўша Штатларининг Boeing компаниясини

орда қолдирди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ўтган йилда Airbus 498 та, Boeing эса 481 та ҳаво лайнери ишлаб чиқарган.

Матбуот хабарларида айтилишича, жаҳон молиявий инқирози Boeing компаниясига жиддий таъсир кўрсатган. 2008 йилда унинг заводларида 662 та самолёт йиғилган эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозиргача Boeing 737 энг оммавий самолёт бўлиб турибди. Ўтган йили ушбу русумдаги самолётга 372 та буюртма тушган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ХАБАР

СУВОНДА КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШАДИ

КЕЧА дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида бўладиган халқаро турнирда иштирок этиш учун жўнаб кетди.

аъзоларидан Абдулла Тангриев, Дилшод Чориев, Ришод Собитов ва Шоқир Мўминов Сувон татами-ларида юртимиз шарафини химоя қилади.

Республика Дзюдо федерацияси раҳбари Армен Багдасаров бошчилигидаги терма жамоамиз

Мусобақанинн голиб ва совриндорлари номи 17 январда маълум бўлади.

ХАЛҚАРО ШАРҲ

ҚАҲРАТОН ҚИШ ТАШВИШЛАРИ

Европада бу йил қиш жуда каттиқ келди. Мана, бир ҳафтадирки, қўхна қитъа мамлакатлари ҳудудини қалин қор қоплаган. Бу эса ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспорти қатновини издан чиқарди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, ҳавонинг бирдан совиб кетиши ва йўл-транспорт ҳодисалари туфайли 130 нафар киши ҳаётдан кўз юмган.

самолётни йўлдан олиш учун кетган вақтда 11 та рейсни кечиктиришга тўғри келди. Лондон аэропортида ҳам бир кунда 48 та рейс кечиктирилди.

Германиянинг автомобиль йўлларида ҳам вазият издан чиққан. Мамлакатнинг жануби-ғарбидаги Баден-Вюртемберг шаҳрида яқшанбадан душанбага ўтар кечаси 310 та автоҳалокат содир этилди. Германия ва Франция чегарасида эса 400 та юк автомобили қор буронлари туфайли юра олмай катта трассани беркитиб қўйди. «Focus» нашрининг ёзишича, бир автоҳалокат натижасида 50 та автомобиль бир-бирига урилган. Оқибатда воқеа жойида 2 киши ҳалок бўлган. Мамлакат йўл хизмати ходимларининг айтишича, йўлларга сепишга техник туз етишмаяпти. Яқшанба кунни Гамбург шаҳри портига Мароқашдан туз ортилган кема етиб келди. Аммо кемадаги техник туз бир кунга етди, холос.

Қалин қор туфайли Франциянинг 29 музофотида фавқуллода ҳолат

эълон қилинди. Бу ерларда қорнинг қалинлиги ярим метрга етди. Ринг тоғларида қор кўчкиси хавфи сақланиб қолмоқда. Лион ва бошқа шаҳарлар аэропортларида рейслар бирин-кетин кечиктирилмоқда. Синоптикларнинг таъкидлашича, 1981 йилдан буён Европада бундай совуқ ҳаво бўлмаган. Скандинавия ороли мамлакатлари — Швеция, Финляндия ва Норвегияда совуқ 40 даражагача тушган.

Мамлакатлар раҳбарлари совуқ ҳаво ва сув тошқинлари Европа Иттифоқи иқтисодига сезиларли даражада зарар етказётганини тан олишмоқда. Масалан, ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспорти қатновининг издан чиққани туфайли ўз минглаб сайёҳлар ўз манзилларига ета олмапти. Бу эса, сайёҳлик саноатиға аллақачон жиддий зарар етказди.

Европадаги энг йирик темир йўл тармоқларидан бири бўлган Париж — Брюссель — Лондонни боғловчи

«Eurostar»га ҳам ноқулай об-ҳаво ўз таъсирини ўтказди. Декабрь ойи охирида бу ерда содир бўлган ҳалокат туфайли ўнлаб рейслар қолдирилгани ва 70 минг йўловчи манзилга ета олмай қолгани ҳақида аввал хабар берган эдик. Ўтган ҳафта ҳам қалин қор туфайли йўлда бир поезд бузилиб қолди ва яна ўнлаб рейслар кечиктирилди.

Буюк Британияни материк билан боғловчи ва «Ла-манш» бўғози тагидан ўтувчи бу йўлни қуриш гоёси Наполеон даврида туғилган бўлса-да, 1994 йилдагина амалга ошди. Ўтган йиллар давомида йўлда икки марта — 2006 ва 2008 йилларда ёнгин туфайли поездлар қатнови тўхтаган эди. Кейинги бир ойда об-ҳаво инжиқликлари оқибатида яна икки марта харакат тўхтади. Шунинг ўзи ҳам Европада қишининг қанчалик каттиқ келганини, табиат билан ҳазиллашиб бўлмаслигини кўрсатиб турибди.

Б.УММАТОВ

ТАДБИР

«ҚИЗҒАЛДОҚ»ДА ЧЕМПИОНЛАР КУРАШАДИ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, у орқали ёшлар қалбида ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини янада кенг тарғиб этиш борасида 2009 йил мобайнида Тошкент вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

— Юртимизда 2010 йилнинг Баркамол авлод йили, деб номланган вилоятимиз спортчи ёшларининг кўнглини тоғ қадар юксалтирди. Ўтган йилги ютуқларимизга нисбатан жорий йилда-

ги натижаларимиз янада залворли бўлиши шубҳасиз. Боиси, янги йилнинг илк кунларидан вилоятимизнинг чекка қишлоқларида, маҳаллаларида турли спорт тадбирлари ўтказишга киришганмиз. Ўтказилаётган мусобақаларда чиниққан, маҳорати ошган ёшларимиз республика ва халқаро доирадаги спорт тадбирларида ўз маҳоратларини намойён этишди, — дейди Тошкент вилояти қасаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамятини раиси Ақром Шердонаев.

Шу кунларда ана шундай тадбирлардан бири — Турон яққа ку-

раши бўйича Баркамол авлод йили ҳамда Ватан химоячилари кўнига бағишланган вилоят очиқ чемпионатиға Тошкент туманидаги «Қизғалдоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳозирлик кўрилмоқда.

Мусобақалар эртага «Қизғалдоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 9-ўрта таълим мактаби спорт мажмуасида бошланади. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аъзам Мирсобитовнинг ҳаяжони бир дунё: узок-қичқандан келадиган ёшларни кўнгиладигидек қутиб олиш, мусобақани юқори савияда ўтказиш,

мактаб мажмуасини безаш керак... Энг муҳими, элнинг катта тўйи бўлган спорт байрамини ташкил этиш учун «Қизғалдоқ»да барча шарт-шароит яратилган. Бундан ташқари, вилоят Турон яққа кураш федерацияси, қасаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамяти, қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари яқдидилрлар. Яқдиллик эса, умумий ютуқнинг гаровидир.

Тошкент вилояти очиқ чемпионати голиб ва совриндорлари 17 январда аниқланади.

Мухбиримиз

Mahalla

ҳафталик газета

Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй Индекс: 100083

Навбатчи: Раҳим Шеркулов

Мусахҳиж: Нодира Холмирасова

Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Телефонлар:

233-39-89 233-10-73
236-53-93 236-53-75,
236-57-62 Факс: — 233-44-25

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.

Формати — А-2, 4 босма тоб. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент, «Буюк Турон» кўчаси 41.

www.mahallagzt.uz mahalla@sarkor.uz mahalla.gz@rambler.ru

21360 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-55

Нашир кўрсаткичи: 148

BUGUNNING ЁШЛАРИ

ЭРТАСИ НУРАФШОН, МАНЗИЛИ САОДАТЛИ



© фото-Носир Хайдаров

Бешикда ором олиб ухлаётган чақалоқни қузатганимиз? Унинг бегубор тоғларига мусаффолик, ширин йўқусига ором бағишлаётган юрт тинчлиги эмасми?

Тинчлик. Бу сўз жон қадар азиз ва муқаррам. Тинчликнинг нақадар муқаддас тушунча эканини юрдошларимиз теран англайдилар.

Сариосиё тоғлари узра эл осойишталигини кўролмаган ватанфурӯшлар калхатлар мисол айланганда, Янгиобод тоғларида бир тўда галамислар чаёнлардек ўрмалаганда, Андижон

кўчаларида ўзгаларнинг нағорасини чалиб, юртни чақага пулламоқчи бўлган калтабинлар ўлак-са итлардек аккиллаганида тинчлик, осойишталик жон-жонимиз қадар азизлигини юрагимизнинг туб-тубидан ўтказганмиз.

Шу боисдан, Ватанимиз ҳимоячиларини кўрганимизда уларга беихтиёр ҳавас ва ғурур билан боқамиз. Уларнинг тисомлида юртнинг беовин сарҳадлари дахлсизлигини, осмонимиз мусаффолигини, шаҳару кишлоқларимиз кўркамлигини ва албатта, меҳридарё юрдошларимизнинг чеҳрасидаги табассумни кўраемиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуаси ҳузуридаги Ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернатда бўлгуси Ватан ҳимоячилари тарбияланмоқда. Уларга давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

— Маънан етук ва жисмонан соғлом ёшларни тарбиялаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган. Мактабимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия

ни кўраемиз. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуаси ҳузуридаги Ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернатда бўлгуси Ватан ҳимоячилари тарбияланмоқда. Уларга давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

— Маънан етук ва жисмонан соғлом ёшларни тарбиялаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган. Мактабимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия

ни кўраемиз. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуаси ҳузуридаги Ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернатда бўлгуси Ватан ҳимоячилари тарбияланмоқда. Уларга давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

— Маънан етук ва жисмонан соғлом ёшларни тарбиялаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган. Мактабимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия

ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони ва ҳукуматимизнинг бошқа қатор ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, давлатимиз томонидан фарзандларимизнинг ёрқин келажагини таъминлаш, Ватанимизнинг бўлгуси ҳимоячиларини тарбиялаш мақсадида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириб келмоқдамиз, — дейди мактаб директори вазифасини бажарувчи, милиция капитани Ансар Саидалимов.

Ушбу билим даргоҳи замонавий техник воситалар билан жиҳозланган. Кенг ва ёруғ ўқув хоналари, методик қўлланмалар курсантларнинг ҳар томонлама билим ва етук мутахассислар бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда. Бу ерда ёш курсантлар умумтаълим фанларидан ташқари ҳарбий дипломатия, жаҳон адабиёти, этика, эстетика, чет тили ва бир қатор спорт турлари билан мунтазам шуғулланишади.

Шу кунларда билим юртида 250 нафар ёш тажрибали мутахассис-ўқитувчилардан сабоқ олмақда. Ётоҳона, ошхона, замонавий спорт мажмуаси ҳарбий ёшлар ихтиёрида.

Кўзларидан ўт чақнаб турган бу ёшларнинг нигоҳидаги ўқтамлик қиши қалбига ўзгача кайфият бағишлайди. Ҳа, эл-юрт осойишталигини таъминлайди. Ҳа, Ватан сарҳадлари дахлсизлигини сақлайдиган посбонларнинг муносиб ва ишончли давомчилари қамолга етмоқда. Бу эса юрт эртаси нурафшон ва манзили саодатли эканлигидан далолатдир.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
«Mahalla» муҳбири.

БИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБСИЗ

ХАТЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

«ХУРМАТЛИ ТАХРИРИЯТ!»

Мен йигирма йилдан буён турмуш ўртоғим Раҳимахон билан Тошкент шаҳар Чилонзор туманининг «Баҳористон» маҳалласида яшайман. Икки нафар ўғлимиз бор. Катта ўғлим Абборни уйли-жойли қилдик. Ҳозир у ҳам икки фарзанднинг отаси. Худо хоҳласа, яқин кунларда иккинчи ўғлимизни ҳам уйлантириш ниятидамиз. Маҳалламизда турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Лекин ҳаммаси аҳил-иноқ, тўю маъракаларда ҳамма бирга. Демокриманки, юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик туфайли барча миллат вакиллари тинч, тотув ҳаёт кечирмоқда. Илоҳо, бу кунларимизга ҳеч қачон кўз тегмасин.

Салом билан Анвар Орипов. Тахририятимизга ана шундай шукроналик мактублари деярли ҳар куни келиб туради. Уларда аҳоли юртимизда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлардан мамнун эканлигини изҳор этишмоқда. Шу билан бирга, хат муаллифлари мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида маҳаллаларнинг ўрни ортиб бораётганини, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси бугун ҳукуматимиз сиёсатининг устувор масалаларидан бирига айланганини ҳам алоҳида таъкидлашмоқда.

Ўтган йили тахририятимизга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан жами икки мингга яқин хат келди. Мавзулари ҳам ранг-баранг. Биринчи маҳаллалардаги ўзгаришлар ҳақида ёзилса, бошқасида жойлардаги камчиликлар танқид қилинган. Фуқаролар мурожаатларига муносабат билдирилиб, тахририятга турли идоралардан юборилаётган расмий жавобларда эса, хатларда кўтарилган масала қонуний ечим топаётгани айтилган. Шунингдек, баъзи ҳаваскор қаламкашлар ўзларининг ижодий машқларини юбориб, газетада эълон қилишимизни сўрашган.

Самарқанд вилоятининг Тойлоқ тумани Богистон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Гулбод» маҳалласи аҳлидан келган мактубга 115 нафар фуқаро имзо чеккан. Мактуб муаллифларининг ёзишча, қишлоқ фуқароларнинг маҳалласи номи бир неча марта ўзгарган. Ҳозир «Гулбод», деб аталади. Маҳалла шу ерда яшовчи аҳолининг истақлари асосида номланишини сўрашган.

Биз бу мактубни масъул ташиқлотларга юбордик. Уйлаймизки, маҳалла аҳли тез кунда ўз мактубига тегишли жавоб олади.

Энди диққатингизни қуйидаги мактубга жалб этсак. Уни Жиззах вилояти, Зомин тумани Истиклол қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Карим Иброҳимов йўллаган. «Газетада эълон қилинган тошкентлик ўймакор уста Ҳасан ака Одилов ҳақидаги мақолани ўқиб, сизларга хат ёзишга қарор қилдим, — деб ёзади К. Иброҳимов. — Мен ҳам салкам ўттиз йил дурадгор уста

бўлиб ишладим. 1990 йилда ёғочни қайта ишлайдиган цех очиб, эшик, ром ясаб келяман. Бир неча йил бурун қандли диабет хасталигига чалиниб қолдим. Лекин ишимни ташлаб қўйганим йўқ. Мақолани ўқиб, ишимнинг йўналишини бироз ўзгартиришга қарор қилдим. Илгари ёғочдан оддий эшик ясаган бўлсам, энди унга нақшлар солмоқчиман. Сизлардан илтимос, менга Ҳасан аканинг манзилни ёзиб юборсангиз. У кишига шогирд тушиб, хунар сирларини ўрганишиман. Хайрли ишнинг кечи йўқ, дейишади-ку, ахир».

Шуни ҳам айтиш керакки, тахририятга атайин бировнинг номи ёмон отликка чиқариш учун ғаразли мақсадда ёзилган мактублар ҳам келиб туради. Шундай хатлардан бири Марғилон шаҳрида яшовчи Абдуллахон исмли кишидан келган. Мактуб эгаси шаҳарнинг «Қирғули» маҳалласидаги чойхона ноқонуний сотиб юборилгани ҳақида юқори ташкилотларга мурожаат қилгани, текширувчилар келиб, хат муаллифларини сиккува олганини ёзади. Лекин мактубга муаллиф имзо чекмаган. Ҳатто ўзининг ижтимоий муҳофазаси бугун ҳукуматимиз сиёсатининг устувор масалаларидан бирига айланганини ҳам алоҳида таъкидлашмоқда.

Ўтган йили тахририятимизга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан жами икки мингга яқин хат келди. Мавзулари ҳам ранг-баранг. Биринчи маҳаллалардаги ўзгаришлар ҳақида ёзилса, бошқасида жойлардаги камчиликлар танқид қилинган. Фуқаролар мурожаатларига муносабат билдирилиб, тахририятга турли идоралардан юборилаётган расмий жавобларда эса, хатларда кўтарилган масала қонуний ечим топаётгани айтилган. Шунингдек, баъзи ҳаваскор қаламкашлар ўзларининг ижодий машқларини юбориб, газетада эълон қилишимизни сўрашган.

Самарқанд вилоятининг Тойлоқ тумани Богистон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Гулбод» маҳалласи аҳлидан келган мактубга 115 нафар фуқаро имзо чеккан. Мактуб муаллифларининг ёзишча, қишлоқ фуқароларнинг маҳалласи номи бир неча марта ўзгарган. Ҳозир «Гулбод», деб аталади. Маҳалла шу ерда яшовчи аҳолининг истақлари асосида номланишини сўрашган.

Биз бу мактубни масъул ташиқлотларга юбордик. Уйлаймизки, маҳалла аҳли тез кунда ўз мактубига тегишли жавоб олади.

Энди диққатингизни қуйидаги мактубга жалб этсак. Уни Жиззах вилояти, Зомин тумани Истиклол қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Карим Иброҳимов йўллаган. «Газетада эълон қилинган тошкентлик ўймакор уста Ҳасан ака Одилов ҳақидаги мақолани ўқиб, сизларга хат ёзишга қарор қилдим, — деб ёзади К. Иброҳимов. — Мен ҳам салкам ўттиз йил дурадгор уста

зей, балки йўқолиб бораётган хунарманчилик аъёнларини қайта тиклаш маскани ҳам ҳисобланади. Музейдаги зардўзлик, қандакорлик, каштачилик марказларида бу санъат турлари янги босқичга кўтарилди. Айниқса, каштачиликни алоҳида қайд этиш жоиз. Бу хунарманчилик тури фидойи инсонлар — шофирконлик кекса чеварлар Кенжабий Эгамова, Муҳаббат Қўчқорова, Олия Нуруллаева, нуруталик Иқбол Бозорова сайҳаракатлари билан қайта тикланди, — дейди Корёғди Жумаев.

Хуллас, ўзига хос жаннатмонанд гўша — Ситораи Моҳи Хоса саройининг юртимиз давлатчилик тарихи, маданий ҳаётида тугган ўрни бекиёқ.

Ақбар РҮСТАМОВ,
«Mahalla» муҳбири.

«MAHALLA» ЖАВОБ БЕРАДИ

ҲАМ ЎҚИБ, ҲАМ ИШЛАМОҚЧИМАН

САВОЛ: — Олий ўқув юртини битириб, қурилиш ташкилотидан ҳисобчи бўлиб ишлаш бошлаганимга ҳам икки йил бўлди. Бу йил магистратурада ўқини режалаштиришман. Бироқ оилавий шароитим оғирлиги сабабли, ўқини иш билан бирга олиб бормоқчиман. Ўқини тейёрлаш қўриш учун эса ишдан таътил олмақчиман. Айтинг-чи, бунинг иложи борми? Агар бу қонунда белгиланган бўлса, ўқийдиган ходимга қандай имтиёзлар мавжуд?

Р.КАМОЛОВ, Тойлоқ тумани

ЖАВОБ: — Меҳнат кодексига асосан, фуқаролар ишни таълим билан бирга қўшиб олиб боришлари мумкин. Кодекснинг 249-моддасига кўра, таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳуж-

жатларда белгиланган тартибда иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга. Улар учун иш берувчи барча шароитларни яратиб бериши шарт.

Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда

ўқийдиганлар йиллик таътиллари ҳоҳишларига кўра, имтиҳон ва лаборатория-имтиҳон сессияси вақтида олишлари мумкин.

Айтиш керакки, қонунчилигимизда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонлари топшириш учун ходимларга таътил берилиши белгилаб қўйилган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 254-моддасига кўра, кириш имтиҳонлари топширишга рухсат этилган ходимларга олий ўқув юртларига кириш учун камидан ўн беш календарь кун, ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун эса камидан ўн календарь кун муддат билан иш қилинмаган ҳолда таътил берил-

ди. Ўқув юртларига бориш ва қайтиб келиш вақти таътил муддатига киритилмайди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимлар диплом лойиҳасини бажариш ёки битирув имтиҳонларини топширишдан олдинги ўн ўқув ойи давомида машғулотларга тайёрлик қўриш учун олти кунлик иш ҳафтаси бўлганда ҳафтада бир кун ўрта иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилади. Иш ҳафтаси беш кун бўлса, ишдан озод этиладиган кунлар миқдори иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради. Ишдан озод этиладиган соатлар миқдори эса сақланиб қолади.

БИР ЎЛКАКИ...

ЮЛДУЗЛАР ИЧРА ТАНҲОСИ

Жаннатмонанд юртимиз кўҳна тарихи, халқимиз эса бой аъёнлари, юксак маънавияти билан жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ана шу бой тарихимизнинг бир тимсоли Ситораи Моҳи Хоса ёдгорлик мажмуасидир. У нафақат меъморий обида, балки ўзига хос об-ҳавога эга сўлим гўша сифатида ҳам машҳур.

Ушбу саройнинг қурилиш тарихи ҳам қизиқарли. Иссиқ об-ҳаводан беихтиёр толиққан амир Насрулло шаҳар атрофидаги бир сўлим гўшада ёзги сарой барпо этишга фармон беради. Аммо тўрт тарафи жазирама қумлиқлардан иборат Бухоро яқинида салқин жойни топиш муаммо эди. Шунда меъморлар сарой-боп жойни топиш учун тўртта қўйни сўйиб, шаҳарнинг тўрт томонидаги дарвозаларга осиб қўйишади. Шарқ, жануб, ғарб томонга қараган дарвозаларга осилган гўшлар бир кунда бузилади, шимол томондаги гўшт уч кун ўтса ҳам асл ҳолича сақланади. Шундан сўнг шаҳарнинг шимол томонида Мўлиён ариғи бўйида сарой қурилиши бошлаб юборилади.

Ситораи Моҳи Хоса «Юлдузлар ичра ягона ой», деган маънони билдиради. Сарой қурилишида илк марта шаҳар ва ғарб меъморий аъёнлари уйғунлаштирилган. Афсуски, обиданинг амир Насрулло, Музаффархон ҳамда Абдулахид даврида қурилган эски сарой қисми шўро-

лар даврида бузиб ташланган. Амир Олимхон қурдирган янги сарой эса ичкари ва ташқари ҳовли, сомонхона, меҳмонхона, ҳарамхона, кўшк ҳамда канизақхонадан иборат.

Мажмуадаги биноларнинг ҳар бири ўзига хос меъморий ечимга эга. Хусусан, Оқ уйда меъморчилик тарихида биринчи марта безаклар ганч ва ойнадан ясалган. Тўғри, ойнаванд зал Франциядаги Версаль саройида ҳам бор. Аммо унда ойналар ёғоч рамкаларга ўрнатилган. Оқ уйда ойналарни ўрнатишда ганчдан ясалган нақшлардан фойдаланилгани ниҳоятда нозиклик ва дақиқликни талаб этган. Уста Ширин Муродовнинг ана шундай ноёб топилмаси туфайли ганч нақшлари ойнада ҳам акс этиб, иккита нақш бўлиб қўрилади. Қолаверса, хонадаги ойналар уй ич-ни маҳобатли этиб кўрсатади.

Саройнинг ўзига хос хоналаридан яна бири зиёфатлар залидир. Ҳажми 11х7 метр бўлган ушбу зал овқат ҳиди тепага кўтарилиб кетиши учун бошқа хоналардан анча баландроқ (10 метр) қилиб қурилган.

Сарой хоналари кўш сичлиқ қилиб қурилган бўлиб, бу орқали хоналарнинг ёзда салқин, қишда иссиқ бўлишига эришилган. Чунончи, саройдаги бир хонани иситиш учун бир кунда бир килограмм кўмир қиёфа қилган. Негаки, голланд печидан чиқатган иссиқ ҳаво кўш сичлиқ девор орасидан айланиб, хонани мўътадил илқ ҳаво билан таъминлаган.

— Айтиш жоизки, бу усул юртимизда қадимдан мавжуд бўлган, — дейди «Ситораи Моҳи Хоса» халқ амалий санъати музейи директори, санъатшунослик фанлари номзоди Корёғди Жумаев. — ҲХ асрда европаликлар иссиқлик таъминотидаги бу усулни энг макбул ва тежамкор усул сифатида қабул қилиб, кенг қўллай бошлаганлар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, саройдаги ҳар бир хона ўзига хос тақорланмас гўзалликка эга бўлиб, уларда ҳам ғарб, ҳам шарқ архитектура аъёнларини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, хоналарнинг ҳар бирида Қуръони карим оятлари ҳамда сарой шoirлари шеърлари ҳиссақатда нақш шаклида битрилган.

Ситораи Моҳи Хосанинг яна бир ўзига хос жиҳати бой наботот ва ҳайвонот олами эди. Бухоро амирлари турли мамлакатларга қилган юришлари, саёхатлари давомида мевали ва манзарали дарахтлар, турфа хил гул кўчатлари келтирилган. Чорбоғга шу қадар эътибор қаратилганки, ҳатто сарой ичкаридан боғбонлар учун алоҳида жой ажратилган. Шунингдек, сарой ҳайвонот боғида шер, қийик, фил, от, ноёб қўшлардан қалқ, булбул, товуслар сақланган.

Афсуски, шўролар босқини даврида саройдаги ноёб ўсимликлар топталди, ҳайвонлар қирилиб кетди. Ушбу гўзалликлардан қолган ягона ёдгорлик сифатида товуслар ҳамон қамалқранг патларини намойиш



этиб юришади.

1920 йилда бу ерда «Сўнгги амрлар сулоласининг турмуши» музейи ташкил этилган эди. Аммо бу юртининг бой давлатчилик тарихига эга эканлигини халқ билишини истамаган шўро ҳукумати музейдаги ашёларни йўқ қилди. 1954 йилда боғнинг асосий қисми ҳамда саройнинг бир қисми бинолари дам олиш уйи ихтиёрига берилди. Қолган қийикроқ ҳудудда кейинчалик турли хил музейлар фаолият юритди.

Ниҳоят, юртимиз мустақилликка эришгач, саройнинг деярли барча ҳудуди, қарий етти гектар майдон музей ихтиёрига ўтказилди. 500 дан ортиқ экспонатлар музейга қайтарилди. — Бугун сарой ҳудуди нафақат му-

ФАРОЙИБ ОЛАМ

ГАПИРУВЧИ СЕЙФ

АНГЛИЯда овоз чиқарадиган қулфи сейф ишлаб чиқаришга киришилди. Қулфга ўрнатилган микрофонга ҳар қандай паролни айтиб, сақлаб қўйиш мумкин. Сейф қулфи айнан шу овоз эгаси паролни ўз овозида айтса, очилади. Ушбу кашфиётдан кўпчилик хурсанд. Аммо уларни сейф соҳиби шамоллаб овози бўғилиб қолганда, қандай йўл тутиш лозимлиги ўйлантирапти.

ЭНГ МИТТИ ЧАҚАЛОҚ

ДУНЕдаги энг митти чақалоқ Руманза Рахмон Чикаго яқинидаги Лаёла шаҳридаги тиббиёт марказида дунёга келди. Унинг туғилган вақтидаги вазни 244 грамм эди. Руманза олти ой тиббиёт марказида муолажа олди. Шифокорларнинг айтишича, қизалоқ анча соғайиб қолган ва унинг яшаб кетишига умид бор.

Руманза туғилган пайтда бўйи атиги 24 сантиметр эди. Ҳозир унинг вазни 2,49 килограммга етди, бўйи эса аввалгидан қарийб икки баравар ўсди.

ФИЛ МАШИНА ЮВАДИ

АҚШнинг Орегон штатида очилган янги машина ювиш шохбчасига ташриф буюрган миҳозлар ҳайратдан ёқа улашди. Гап шундаки, бу ерда махсус ўргатилган филлар хизмат кўрсатади. Улар аввал хар-тумларида докани ушлаб машинани артиб чиқадди. Кейин хар-тумларига сув олиб, машинага пуржайди.